БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 158 (16.241) • 8 июль 1975 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Чуст районидаги «Москва» колхозининг марди-майдонлари июль ойини зарбдор ойлик деб эълон қилиб ғўза парваришига зўр бермоқдалар. Айниқса янги ўзлаштирилган 250 гектар майдондаги ғўзаларнинг авжи баланд. Пахтаморлар бу ерлардаги ғўзанинг ҳар гектаридан пландаги 29 центнер ўрнига 37 центнердан «оқ олтин» олишга аҳд қилишган. Суратда: ҳар бир туп ғўзани меҳр билан парваришлаётган илғор механизатор Р. Мубошерова.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси. (ЎзТАГ).

УЛКАН МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ» БОШҚАРМАСИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИГА

«ҚАРАКАЛПАКИРСОВХОЗСТРОЙ» БОШҚАРМАСИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИГА

Азиз ўртоқлар! Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Қарақалпақирсовхозстрой» бошқармасининг коллективини катта меҳнат ғалабаси — энг муҳим кўрсаткичлар — капитал маблағларни ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишлари, меҳнат унумдорлиги, суғориладиган ерларни ва уй-жой майдонларини ишга тушириш юзасидан тўққизинчи беш йиллик планлари муддатидан илгари бажарилганлиги билан қизғин табриклайдилар.

Бошқарма коллективи беш йиллик бошидан бўён 133 миллион сўмлик пудрат ишларини бажарди, янгидан суғориладиган 21 минг гектар ер майдони, 89 минг квадрат метр уй-жой ишга туширилди, беш йилликнинг меҳнат унумдорлиги соҳасидаги топшириғи ошириб бажарилди.

Эришилган муваффақият — ишлаб чиқариш резервларини кун сайин ижодий тарзда қидириб топиш, социалистик мусобақани кенг авж олдириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни мақсадга мувофиқ ташкил этиш натижасидир.

Коллектив ҳар бир аъзосининг юксак даражада онглилиги ва олинган мажбуриятларни бажариш учун жавобгарликни ҳис этганлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш соҳасидаги тадбирларни қунт билан амалга оширганлиги, иш вақтидан самарали фойдаланилганлиги, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг кенг кўламдаги ташкилотчилик ва сиёсий иши бошқарма коллективининг тўққизинчи беш йиллик плани асосий курсаткичлари бажарилганлиги тўғрисида муддатидан илгари рапорт беришига имконият яратди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Қарақалпақирсовхозстрой» бошқармасининг коллективи социалистик Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилади, олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди, ишларнинг юқори сифатли бўлишига эришади ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съездини ишлаб чиқаришда янги муваффақиятлар билан кутиб олади, деб қатъий ишонч билдирадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС XXV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ДОЛЗАРБ ДАМЛАР

Вақт қадрига етган деҳқоннинг қўли баланд. Фурсатни бой бериш, имиллаш эса ҳосилга зарар келтиради. Тажриба ҳам, фан ҳам буни исботлаган. Айниқса ҳозирги кунларда заррача бепарволикка, агротехника тадбирининг кечиқишига йўл қўйиб бўлмайди. Ғўза чанқатилса, озиқа етишмаса, ишлов ўз вақтида ўтказилмаса, ҳосил тўплаш нари турсин, бори ҳам йўққа чиқиши, яъни оғзимиздаги ошни олдириб қўйишимиз мумкин.

Бундай долзарб дамларда кишиларнинг иродаси, ғайраттижоати, омилкорлиги синовдан ўтади. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатида шу кеча-кундуздаги вазифалар жуда аниқ кўрсатиб берилган. Мурожаат қишлоқ меҳнаткашлари қалбига жўшқин илҳом бағишлади, мусобақа тўлқинини янги қудрат билан мавжлантирди.

Колхозимиз аъзолари жанговар чақириққа «лаббай» деб жавоб бердилар. Ишга яроқли ҳамма далага отланди. «Пахтазорда бир туп ҳам бегона ўт қолдирмаймиз!» деган шиор амалий ишга айланди. Сувчилар сони 100 кишидан 145 кишига етказилди, тунги сувчилар сони икки баравар кўпайтирилди. 80 га яқин сувчи кечаси ғўзаларни оби-ҳаётга қондирдиларини сўраб мурожаат қилдик. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатини ҳамма жойда кенг кўламда пропаганда қилдик. Натижада қалбида виждони, билагида кучи бор кишиларнинг ҳаммаси ғўза парваришига отланди. Дала меҳнатчилари кунлик топшириқларни сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб бажариш учун курашмоқдалар.

С. Исҳоқов, А. Абдураҳмонов, Н. Уктамов, Х. Исматов, А. Каримов, О. Абдуллаев, А. Кўзимов каби механизаторларимиз ва сувчиларимиз айниқса меҳнатда жасорат кўрсатиб ишламоқдалар. Уларни механизаторлар ёки сувчилар деб алоҳида номламаганимизнинг бойиси шундаки, уларнинг ҳаммаси ҳосил тақдири учун жавобгар кишилардир. Бизда эркак-хотин, кекса-ёш, ўсмир — ҳамма июль ва август ойларида астойдил меҳнат қилиб, тўрт минг беш юз тонналик «оқ олтин» хирмонига ўз улушини қўшиш учун курашмоқда. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг пайдо бўлишига йўл қўймеслик мақсадида ҳар 300 гектар майдонга битта назоратчи қўйдик.

Июль ғўза парваришида ҳал қилувчи ой эканини яхши биламиз. Шу ойда астойдил меҳнат қилсак, зиммага олган мажбуриятимизни тўла қоплайдиган даражада ҳосил тўплаб оламиз. Шуни назарда тутиб, республика партия ва ҳукуматининг Мурожаати асосида ғўза парваришини кучайтиришга қаратилган бир қатор тадбирлар белгиладик. Жумладан, ҳамма майдонларда икки марта, ғўзалари ўсиш ва ривожланишдан орқада қолаётган анчагина майдонларда эса уч марта комплекс парвариш ўтказамиз. Йиллик ўғит норасини бериб бўлдик. Лекин «шарбат» суви беришни қизғин давом эттирамиз. Ғўзалар ўсиб қолди. Чопиқ тракторларининг кунлик иш унумини ошириш мақсадида иш органларига тўсиқлар ўрнатамиз. Суви билан ўсимликнинг шикастланишига барҳам берамиз. Сифат комиссияси суғорищ, культивация ўтказиш устидан қаттиқ назоат олиб борялти, айниқса сув исрофгарчилигига қарши амалий чоралар қўллаяпти.

1975 йилда фақат пахта тайёрлаш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятимизни бажарибгина қолмасдан, чорвачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик маҳсулотлари етиштириш бўйича зиммамизга олган мажбуриятларимизни ҳам бажариш билан партиямизнинг XXV съездини кутиб оламиз.

Абдумалик РАҲМОНОВ,
Наманган область Норин районидаги «Победа» колхози раиси.

ЯЛПИ МАҲСУЛОТ ОШАДИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумларида қабул қилинган қарорлар барча касб эгалари қатори биз колхозчи деҳқонлар учун ҳам жанговар программадир. Марказий Комитетнинг якинда бўлиб ўтган пленумида яна бир муҳим масала — КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун пахтакорларнинг социалистик мусобақасини авж олдириш соҳасида партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Қарорда ҳар бир колхоз ва совхознинг, ҳар бир район ва областнинг пахта етиштириш юзасидан белгиланган планларни ва социалистик мажбуриятларни бажаришини таъминлаш — партия ташкилотларининг биринчи навбатдаги вазифаси, асосий қонуни, уларнинг Ватан ва халқ олдидаги интернационал бурчи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Колхозимиз аъзолари қарор билан чуқур таништириб чиқилди, тўққизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йилида пахтачиликни ривожлантириш соҳасида қилинган ишларга якун ясадик, галдаги режаларни аниқ белгилаб олиб, шу асосда иш тутмоқдамиз. Колхозимиз ҳамм жиҳатдан ўртача хўжалик. Лекин иктисодий жиҳатдан йил сайин юксалиб бормоқда. Бунга пахта, сут, гўшт, пилла, сабзавот, мева ва бошқа маҳсулотларни тобора кўпроқ тайёрлаш йўли билан эришмоқдамиз.

Ўтган тўрт йилда она-Ватанга планда кўзда тутилган 13.900 тонна ўрнига 16.031 тонна пахта топширдик. Ўтган йили 1.161 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан пахта хирмони кўтариб, зиммага олган социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажардик.

Бу йилги режаларимиз янада улкан. Ҳосилдорликни гектар бошига 40 центнерга, ялпи пахтани эса 4.500 тоннага етказамиз. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVIII пленуми қарорларига амалий иш билан берган жавобимиз бўлади. Нишонга олинган маррага етиш учун нималар қилинади?

Хўжалигимиз бўйича олтита пахтачилик бригадаси гектаридан камида 50 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олди. Ана шу бригадаларнинг аъзолари мўл ҳосил учун курашда қарвонбоши бўлмоқдалар. Бошқа бригадаларимизнинг аъзолари ғўза парваришида улардан намуна олмоқдалар, эниқрок қилиб айтганда, илғорлар тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш колхоз партия ташкилотининг жонажон ишига айланди.

Республикамизнинг ҳамма жойида бўлгани каби, бизнинг колхозимизда ҳам сув танқислиги юз берди. Ҳозир йиллик нормада белгиланган сувнинг ярмидан кўпроғини оляпмиз, холос. Лекин деҳқонларимиз тушкунликка учраганлари йўқ. Улар бутун кучғайратлари, билим ва тажрибаларини ишга солиб, сув танқислигини енгиш учун курашмоқдалар. Ғўзаларни суғориш кеча-кундуз бир меъёрда олиб борилмоқда, сувчиларнинг самарали ишлашлари учун ҳамма шароитлар яратилиб берилмоқда. Кейинги кунларда сувчилар сонини яна 30 кишига кўпайтирдик. Лекин ғўзаларнинг сувга бўлган талаби ошиб бораётганини ҳисобга олиб, кунлик суғориш нормасини бир оз камайтирдик. Ғўзаларни оз нормадаги сув билан қондириб суғориш, сифат масаласини биринчи ўринга қўйдик.

Турдиали Мирзаев, Бердикул Холиқов, Қўчқорали Каримов, Салимбек Икромов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда сувдан айниқса омилкорлик билан фойдаланилмоқда. Айни кезда культивация, чопиқ, «шарбат» оқизиш, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш бирбирига боғлаб олиб борилмоқда. Бу бригадаларнинг аъзолари якунловчи йилда пахта ҳосилдорлигини 52 центнергача кўтаришга аҳд қилдилар, ўсимликнинг ҳолати, ҳосил нишоналари тўпланиши, бундан кейин ҳам астойдил меҳнат қилинса, кўзларан маррани эгаллаш муқаррарлигидан далолат бермоқда.

Ҳосил тақдири механизаторларимиз қўлида эканини яхши биламиз. Кетмон чопиғи билан ҳосил етиштириладиган замонлар ўтиб кетди. Ҳозир фақат зўр кувватга эга бўлган техникага таянган деҳқонларгина ютади. Шуни ҳисобга олиб, ҳар бир механизатор олдига конкрет вазифалар қўйдик, улардан бир вақтнинг ўзида агротехниканинг бир неча хил тадбирини амалга ошириши талаб қилмоқдамиз. Масалан, пайкалларга сув тараш учун эгатлар олинаётган кезда катор ораларига минерал ва органик ўғитлар қоришмаси солиб кетилади, зарур топилган жойларда эса қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг уялари бутунлай йўқотилади.

Ёки бошқа бир мисол. Сувчилар пайкалларга сув тараётганларида ғўзаларни синчковлик билан кўздан кечириб борадилар, қайси пайкалга қачон қандай нормада сув қўйиш ҳақида ўз фикрларини айтадилар, айни кезда қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг пайдо бўлган-бўлмагачи ҳақида ахборот бериб борадилар. Правление шу асосда тадбирлар белгилайди.

Якунловчи йилнинг юки шу кадар оғирки, ҳар бир киши ўз постида астойдил меҳнат қилганда, агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга оширишга кўпидан келган ҳиссасини қўшгандагина кўзлаган максадга эришиш мумкин. Акс ҳолда оқсаб қолиш мумкин. Биз шуни эътиборга олиб, колхозимиз территориясида истиқомат қилаётган кишиларга ғўзалигимизни ютуқлари виставкасини томоша қилдилар, «София музейи», архитектура — тарихий қўриқхонасини, Киев—Печера тарихмаданият қўриқхонасини бориб кўрдилар, Днепр бўйлаб сайр қилдилар.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ САФАР

ЛЕНИНГРАД, 6 июль. (ТАСС). Германия Социал-демократик партиясининг раиси Willи Брандт бугун рафиқаси билан бирга Нева соҳилидаги шаҳар билан танишиб чиқишни давом эттирди. У «Аврора» крейсерида, Марс майдонида бўлди. Юқори мартабали меҳмон теплоходда Петродворецга саёҳат қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов В. Брандт ва унинг рафиқаси Р. Брандт шарафига нонушта-зиёфат берди. Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Г. В. Романов меҳмонларга мурожаат қилиб бундай деди: ленинградликлар Л. И. Брежнев билан В. Брандтнинг фикрлашиб олишини халқаро кескинликнинг ва аввало Европадаги кескинликнинг юмшатилишини мустаҳкамлаш, СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида 1970 йил шартномасида қайд қилинган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш йўлидаги яна бир муҳим қадам, деб ҳисоблайдилар.

Совет кишилари, деб таъкидлади, Г. В. Романов, Умумевропа кенгашининг якунловчи босқичи Европадаги ҳамкорликка янги куч бағишлайди. Кескинликни юмшатиш учун курашда, Л. И. Брежнев айтганидек, маглуб ёки ғолиб давлатлар йўқ, жаҳо чеккан ёки камситилган халқлар йўқ, чунки кескинликни юмшатиш ишининг муваффақияти — ҳар бир миллатнинг ва бутун инсониятнинг ютуғидир.

В. Брандт ўзининг жавоб нутқида айтдики, Ленинградга қилган визитим мен учун жуда ёқимли бўлди. Бу шаҳар ҳақида билганларимиз ва эндиликда кўрганларимиз кутганимиздан зиёд бўлди. Ленинград уруш йилларида нималарни бошидан кечирганлигини энди кўз олдимизга келтирмоқдамиз.

В. Брандт кўп йиллар мобайнида совет раҳбарлари билан бирганликда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар тарихида янги саҳифа очиш учун куч-ғайратини сарф қилиб келаётганлигидан мамнун эканлигини билдирди.

Зиёфатда КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. И. Аристов ва шаҳар ижроия комитетининг раиси В. И. Казаков, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Ленинград область Совети ижроия комитетининг раиси А. Н. Шибалов, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси, шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Г. Елисеева ва бошқа расмий кишилар бор эди.

Юқори мартабали меҳмон тушдан кейин Ленинграддан Новосибирскка жўнаб кетди. В. Брандт самолётда учиб кетиш олдидан ТАСС муҳбирига қуйидагиларни айтди: уруш йилларида нақадар қайғу ва кулфатларни бошидан кечирган бу шаҳарда ҳаёт яна бу-лоқдек қайнай бошлаганлиги мени ғоят тўлқинлантирди. Шимол билан Жанубдаги, Шарқ билан Ғарб давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик амалда қандай рўёбга чиқарилаётганлигини бу ерда яққол кўриб турибмиз. Ленинградга келганимдан ғоят, хурсандман, бу ерда кўрганларим менга жуда манзур бўлди.

* * *

НОВОСИБИРСК, 6 июль. (ТАСС). В. Брандт рафиқаси билан бу ерга келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни КПСС Новосибирск область комитетининг секретари М. С. Алферов, область ижроия комитетининг раиси В. А. Филатов, шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. Ф. Волков, шаҳар ижроия комитетининг раиси И. П. Севастьянов ва бошқалар кутиб олишди.

* * *

НОВОСИБИРСК, 7 июль. (ТАСС). Германия Социал-демократик партиясининг раиси Willи Брандт бугун рафиқаси билан бирга мамлакатимизнинг шарқидаги йирик саноат, маданият ва илм-фан маркази билан танишиб чиқа бошлади.

Юқори мартабали меҳмон область Совети ижроия комитетида бўлди. Ижроия комитет раиси В. А. Филатов ва КПСС область комитетининг секретари М. С. Алферов партия ва совет ташкилотларининг иши тўғрисида ва бу ташкилотлар тўққизинчи беш йиллигининг якунловчи йилида комплекс социал-иқтисодий вазифаларни қандай ҳал этаётганликлари ҳақида В. Брандтга сўзлаб беришди.

Суҳбат вақтида В. Брандт бундай деди: «Мен Совет Иттифоқининг шу қисмига келишимдан хурсандман. Умидим пучга чиқмаслигига аминман. Мен илгаригёқ шу бепоён район тўғрисида кўп гапларни эшитган эдим. Бу ерда менга шу ўлкани кўрсатдилар ва унинг муваффақиятлари тўғрисида сўзлаб бердилар. Мен Сибирь тараққиётининг кўламларини ўз кўзим билан кўрдим ва унинг истиқболи ҳақидаги гапларни эшитдим.

Шу хилдаги тараққиёт учун табиий, тинчлик зарур. Мен КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев билан суҳбатимга мувофиқ Сибирга сафар қилдим. Биз ана шу суҳбатлар давомида мамлакатларимизнинг ва бошқа мамлакатларнинг биргаликда ҳаракат қилиб, тинчликни мустаҳкамлашга қай тарқа ёрдам беришига қаратилган тадбирларни муҳокама этдик».

Юқори мартабали меҳмон шу куниёқ СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг илмий марказига борди. Академия шаҳарчасида СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими президиуми раисининг биринчи ўринбосари академик А. А. Трофимук бу марказнинг тарихи ва вазифалари билан В. Брандтни таништирди. Академик А. Г. Аганбегян Сибирнинг бойликлари ҳақида ва унинг иқтисодий тараққиёти истиқболлари ҳақида сўзлаб берди.

Германия социал-демократик партиясининг раиси геология ва геофизика институтида бўлди. Катализ институтида шу институтнинг директори академик Г. К. Боресков илм-фан ва химия саноатини ривожлантириш учун катта аҳамиятга молик бўлган химиявий жараёнлар ва реакторларни математик моделлаш юзасидан бу ерда ишлаб чиқилган методлар билан В. Брандтни таништирди.

«САЛЮТ-4» ПРОГРАММА БЎЙИЧА УЧМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 7 июль. (ТАСС). «Салют-4» орбитал илмий станцияси белгиланган программа бўйича учмоқда. 5 июлдан 6 июлга ўтар кечаси экипажнинг иш куни техникавий ва илмий эксперименталларга бағишланди. Космонавтлар Петр Климук билан Виталий Севастьянов орбита параметрларини аниқловчи мустақил система элементларини пишиқтирдилар, шунингдек турлича ёритилиш шароитларида кўёш ва юлдузга қараб мўлжал олдирувчи такомиллаштирилган асбобларни пишиқтирдилар.

Мустақил навигация асбобларини янада такомиллаштириш мақсадида Ой ва тагидаги юзанинг тунги уфқи суратга олинди. Кун бўйи экипаж ер юзи ва атмосфера қайтарган қуёш нури қутбланиши тадқиқотларини бажарди.

7 июль Москва вақти билан соат 10 да тугаган кейинги иш куни программага мувофиқ ҳордиқ куни эди. Аммо экипажнинг илтимосига биноан табиатнинг нодир бир ҳодисаси — кумушсимон булутларни тадқиқ этиш қўшимча эксперименталлар бажарилди. Космонавтлар кунининг иккинчи ярми мобайнида ҳордиқ чиқардилар.

Станция бортидаги системалар нормал ишлаб турибди. Климук ва Севастьянов ўртоқларининг сиҳат-саломатликлари яхши.

«Салют-4» орбитал илмий станцияси иккинчи экипажининг иши давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик ва беқиёс ишлари, республикада телефон, телеграф алоқасини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун «Межгорсвязьстрой» трести 4-қурилиш-монтаж бошқармасининг бошлиғи Леонид Ефимович Корфга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган винокор» фахрий унвони берди.

ВИЗИТ ТУГАДИ

КИЕВ, 7 июль. (ТАСС). Бу ерда меҳмон бўлиб турган Тринидад ва Тобаго бош министри Э. Ю. Вильямс 6 июлда Мангу Шуҳрат паркини зиёрат қилиб, номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди. Монумент олдида Киев гарнизони қўшинларининг фахрий қоровули саф тортди, Тринидад ва Тобаго, Совет Иттифоқи ҳамда Украина ССРнинг давлат гимнлари ижро этилди.

Э. Ю. Вильямс ва унинг ҳамроҳлари Украина ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини томоша қилдилар, «София музейи», архитектура — тарихий қўриқхонасини, Киев—Печера тарихмаданият қўриқхонасини бориб кўрдилар, Днепр бўйлаб сайр қилдилар.

Кечқурун олий мартабали меҳмон Т. Г. Шевченко номли опера ва балет театрида спектаклни томоша қилди. Тринидад ва Тобаго, Совет Иттифоқи ҳамда Украина ССРнинг давлат байроқлари билан безатилган ложада олий мартабали меҳмон билан бирга Украина ССР Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко ва бошқа расмий кишилар бор эди.

* * *

КИЕВ, 7 июль. (ТАСС). Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Тринидад ва Тобаго бош министри Э. Ю. Вильямс бугун Совет Иттифоқидан жўнаб кетди.

Тринидад ва Тобаго, СССР ва Украина ССР давлат байроқлари билан безатилган аэропортда Э. Ю. Вильямсни Украина ССР Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, СССР денгиз флоти министри Т. Б. Гуженко ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Бош министрни Киев меҳнаткашларининг намояндалари ҳам кузатдилар.

Э. Ю. Вильямснинг сафарида унга ҳамроҳ бўлган Тринидад ва Тобаго давлат арбоблари ҳам у билан бирга жўнаб кетишди.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

5 июль куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети саноат, қонун ижоқаларини тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа, қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати, табиатни қўриқлаш доимий комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди.

Мажлисда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун асослари лойиҳаси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Доимий комиссиялар жамоатчилик бу қонун лойиҳасини муҳокама қилган чоғда тушган таклиф ва мулоҳазаларни олдиндан кўриб чиқишни тугаллаган депутатларнинг бирталикдаги тайёргарлик комиссиясининг ахборотини тингладилар. СССР Министрлар Совети СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этган асослар лойиҳаси СССР Олий Совети Президиумининг қарорига биноан марказий матбуотда ва республика газеталарида барча иттифоқдош республикаларнинг тилларида эълон қилинган эди.

Депутатларнинг бирталикдаги тайёргарлик комиссиясининг раиси И. А. Ибрагимов мажлисда ахборот бериб, эълон қилинган лойиҳа тўғрисида совет кишилари ўз фикрларини кенг изоҳ этганликларини таъкидлаб ўтди. Корхоналар, ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари, ўқув юртларининг жуда кўп коллективлари ва айрим гражданлар бу лойиҳани батафсил муҳокама қилдилар. Жамоатчиликнинг қонун лойиҳасини муҳокама қилиш якунлари уни мамлакатимиз меҳнаткашлари табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш тўғрисида Коммунистик партия билан Совет давлати доимий ғамхўрлиги кўриниши сифатида қабул қилганлигидан далолат беради.

Тайёргарлик комиссияси лойиҳа устида ишлаган чоғда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумларидан, министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советлардан тушган барча таклиф ва мулоҳазаларни ҳам диққат билан кўриб чиқди.

Комиссияларнинг қўшма мажлисида қонун асосларининг лойиҳаси ер ости бойликларидан планли равишда, оқилона ва комплекс фойдаланишни ҳамда бу бойликларни қўриқлашни яхшилаш, мамлакат экономикасини янада ривожлантириш, мустаҳкамлаш, шу асосда совет халқининг фаровонлигини ошириш вазифаларига мос бўлиб тушаётганлиги ҳақида гапирилди.

Қонун асослари лойиҳасининг ҳар бир бўлими, ҳар бир моддаси мамлакатни хўжалик ва социал-маданий ривожлантиришнинг ҳозирги босқичи талабларини акс эттириши таъкидлаб ўтилди. Қонун асосларида ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш соҳасидаги принциплар ҳамда энг муҳим қоидалар мустаҳкамланган, узоқ давр мобайнида қабул қилинган қонунларнинг нормалари кодификация қилинган. Қонун асослари Умумиттифоқ ва республика кон ҳақида қонунни янада такомиллаштириш учун база ҳисобланади.

Шу билан бирга мажлис қатнашчилари қонун асосларининг лойиҳасига тайёргарлик комиссияси таклиф этган баъзи ўзгартишларни киритишни, қонун лойиҳасини муҳокама қилган чоғда тушган таклифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб айрим қоидаларнинг мазмунига аниқлик киритишни мақсадга мувофиқ деб топдилар.

Муҳокамадан кейин депутатлар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун асослари лойиҳаси юзасидан комиссияларнинг хулосасини якдиллик билан маъқулладилар. Мажлисда тўққизинчи чақириқ СССР Олий Советининг учинчи сессиясида СССР Олий Совети палаталари доимий комиссияларининг қўшимча докладлари лойиҳалари ҳам тасдиқланди.

Доимий комиссияларнинг қўшма мажлиси ишида СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси А. П. Шитиков, СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси В. П. Рубен, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР Министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиумининг, СССР Министрлар Советининг масъул ходимлари иштирок этдилар. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД

ИШЧАНЛИК, ТАЛАБЧАНЛИК

«ТАНҚИДНИНГ ҲАЁТБАХШ КУЧИ НИМАДА?» МАҚОЛАСИ ИЛЬИЧ РАЙОНИДАГИ «ПРАВДА» СОВХОЗИ КОММУНИСТЛАРИНИНГ МУҲОКАМАСИДА

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили совхозда пахтачилик гуркираб ўсган даврбўлди. Комплекс механизация ва фан ютуқларини жорий этиш ҳосилдорликни оширишда асосий омилга айланди. 1969 йили совхоз гектаридан 12,8 центнердан хирмон кўтарган эди. Ўтган йили ҳосилдорлик 31,6 центнерга етди. Шу муддат ичида ялпи ҳосил 7300 тоннадан 16147 тоннага ошди. Бир центнер пахта етиштириш учун пландагига қараганда 4—4,5 сўм кам сарфланмоқда. Совхоз коммунистлари эришилган ютуқларни танқидий таҳлил қилиш асосида янги-янги марраларни кўзламоқдалар. Умумий партия йиғилишида ҳам худди шу мавзуда гап борди.

— Эришилган ютуқлардан мағрурланиш коммунист учун бегона бўлиши керак, — деди докладчи — совхоз партия комитетининг секретари Сулаймон Иброҳимов. — Афсуски, айрим коммунистлар бу қоидани унутиб қўймоқдалар. Шу ўринда коммунист Шариф Умаровни кўзда тутаётирман...

Коммунист Шариф Умаров 6-бўлимда бригада бошлиғи қилиб тайинланди. 1973 йили бригада 36,3 центнердан ҳосил олиб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида пешқадамлик қилди. Умаровнинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. У «Москвич» автомашинаси билан мукофотланди. Кўксига Меҳнат Қизил Байроқ ордени тақиб қўйилди. Район коммунистлари унга юксак ишонч билдириб, райком аъзолигига сайлашди.

Бу ялпи эътибор, коллективнинг ҳурматини Умаров бошқача тушунди. У кибр-ҳавога берилди. Бригада аъзоларини ютуқларни мустаҳкамлаш учун курашга отлантириш ўрнига меҳнат интизомини бузиш, агротехника қоидаларига риоя қилмаслик йўлига ўтиб олди. Натижада ўтган йили план бажарилмади. Кўрсаткич 17,2 центнерда қолиб кетди. Бригадада бу йил ҳам ишлар кўнгилдагидек бормаётир. Ғўзаларнинг ривожи суст. Кўчат сийрак. Культивация сифатсиз ўтказилаётир.

— Партия ташкилоти фақат жазо бермайди, — деди шу муносабат билан йиғилишда сўзга чиққан 4-бўлим партия ташкилотининг секретари Эшонқул Ҳатамов, — балки тарбиялайди. Энг муҳими танқидни тўғри тушунмоқ, ундан тўғри хулоса чиқариб олмоқ керак. Коммунист шунда бахт кучади. Бу ҳақда Янгийўл мебель фабрикаси йиғув-пардозлов цехнинг бошлиғи Тошқин Қораболевнинг «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинган «Танқиднинг ҳаётбахш кучи нимада?» сарлавҳали мақоласида ҳаққоний мулоҳазалар билдирилган. Ҳамма коммунистлар ишнинг ҳақиқий аҳволини чуқур, ҳар томонлама таҳлил қилишни ўрганиб олишлари, камчиликларни рўй-рост танқид қилишлари керак. Лекин иш шу билангина чекланмайди. Танқид қилиш билан кифояланиш ярамайди. Бу коммунистларга хос фазилат эмас. Гап шундаки, камчиликларни бартараф этишда қатнашиш ғоят муҳимдир. Шундагина олға дадил боравермиз. Муваффақиятларга ишончимиз ошаверади.

Партия йиғилишида коммунистлар ишда рўй бераётган камчиликлар ҳақида ошкора фикрлашиб олдилар. Маъмурият, партия комитети ишидаги нуқсонлар рўй-рост танқид қилинди. Партия, давлат ишини ўз шахсий ишидан юқори қўювчи жонкуяр коммунистлар билан бир қаторда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашмайдиган, меҳнатда ўрнак кўрсатмаётган кишилар ҳам борлиги алоҳида таъкидланди. Коммунист Абдумўмин Абдуллаев ҳақида ҳақли эътирозлар билдирилди. У бўлим бошлиғи лавозимида партиявий жонкуярлик ва ташаббускорлик кўрсатмади. Топширилган ишга жавобгарликни унутди. Ўзига ва бошқаларга принципиал талабчан бўла олмади. Натижада ғўзаларни ҳашарот босди. Бу нарса ниҳолларнинг бир текис ўсиб мўл ҳосил тўплашини хавф остида қолдирди. Шунда партия комитети кескин чора кўришга мажбур бўлди. Бўлим бошқарувчиси Абдимўмин Абдуллаев ва бўлим агрономи Исоқ Абдурасуловлар хизмат вазифасидан четлаштирилди.

Бу пиманинг оқибати? Нега шундай бўлди? Ахир бўлимда коммунистлар бор эди-ку!

Бу ўринда шуни айтиш керакки, бўлим партия бюроси юз берган камчиликлар билан келишувчиликка ўтиб олди. Бўлим партия ташкилотининг секретари Назар Эратов раҳбар коммунистларни топширилган ишга масъулият руҳида тарбиялашда партия таъсир воситаларидан фойдаланмади. Камчиликлар вақтида очиб ташланмади. Уларни бартараф этиш учун зарур чоралар кўрилмади. Партиявий йиғилишларида танқидни кучайтиришнинг аҳамиятига етарли эътибор берилмади. Йиғилишларда айрим ютуқларни таъкидлаш билан чекланилди. Ишдаги ижобий жиҳатлар бўрттирилди. Натижада бўлим раҳбарлари ва бригада бошлиқларининг ишларидаги конкрет нуқсонлар тузатилмай қолаверди.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида иқтисодий сиёсий ва хўжалик вазифаларининг кўлами беқиёс кенгаймоқда. Уларнинг мураккаблиги ошмоқда. Хўжаликни бошқаришнинг илмий методлари жорий этилмоқда. Ҳамма соҳаларда сифат кўрсаткичлари сари бурилиш ясалмоқда. Шундай шароитда муваффақиятларимизни ҳам, мавжуд проблемалар ва нуқсонларни ҳам ўз-ўзини танқид асосида атрофлича таҳлил этиш, деб таъкидлаган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев, олға қараб ҳаракат қилиб боришимизнинг зарур шартидир. «Правда» совхози коммунистларининг йиғилиши партия ташкилотининг сиёсий етуклигидан, коммунистларнинг мустаҳкам жипслигидан далолат берди. Шу нарса диққатга сазоворки, партия аъзолари ўз бурчларини тўғри тушунганликларини яққол кўрсатдилар. Йиғилишнинг ошкора, ҳолис танқидий руҳи юқори бўлди.

Коммунист партиявий виждони билан, коммунистик бурчни юксак тушуниши билан, давлат ишига, халқ ишига муносабати билан ажралиб туради. Булар партия аъзосига хос фазилатлардир. Шу боисдан бригада бошлиғи Анвар Норқулов, саккизинчи бўлим бошқарувчиси Мингйигит Ғозибеков, 3-бўлим партия ташкилотининг секретари Абдулла Эшонқулов, совхоз директори, район партия комитетининг бюро аъзоси Каримберди Эшқулов ва бошқа нотиқлар танқиднинг холис қабул қилиниши, кўрсатилган камчиликлар тезда бартараф қилиниши лозимлигини алоҳида таъкидлашди. Коммунист ҳамма жойда, ҳар қандай шароитда коммунистлигича қолиши керак. Бу фикр партия йиғилишида айтилган гапларнинг маъзисини ташкил этди.

Совхоз партия ташкилоти ҳисобидаги 114 партия аъзоси ва 12 партия аъзолигига кандидатнинг кўпчилиги пахтачиликни юксалтириш учун курашда авангардлик кўрсатмоқдалар. Бунда бўлим партия ташкилотлари олиб бораётган сиёсий-тарбиявий ишлар алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Партия комитети цех партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, уларга раҳбарликнинг форма ва методларини такомиллаштириш соҳасида бир қатор тажриба тўплади. Шу туфайли Эшонқул Хатамов, Абдулла Эшонқулов, Анвар Норқулов ўртоқлар секретарь бўлган бўлим партия ташкилотларида партиявий-ташкилий ишлар кутилган самара бермоқда. Бу партия ташкилотларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун мусобақа қизғин тус олиб кетди.

Шунга қарамасдан биринчи, бешинчи, еттинчи, тўққизинчи бўлимларнинг цех партия ташкилотлари ёш коммунистларни тарбиялаш, партияга қабул, партия йиғилишларини пухта тайёргарлик билан ўтказиш, қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминлаш масалаларини унутиб қўймоқдалар. Натижада ана шу бўлимлардаги бир қатор бригадаларда ҳосилдорликни ошириш резервларидан тўла фойдаланилмаётир, социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига эришилмаётир.

Коммунистларнинг умумий йиғилишида тўққизинчи беш йиллик якунловчи йилининг юксак мажбуриятларини бажариш масъулияти ҳақида қизғин фикрлар билдирилди. Бунинг боиси бор, албатта. Гап шундаки, бу йил совхоз коллективи она-Ватанга 17 минг тонна «оқ олтин», 4,5 минг тонна қовунтарвуз, 300 тонна сут ва кўп миқдорда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун курашмоқда. Коммунистлар ана шу мажбуриятларни шараф билан бажариш учун курашда пешқадамлик қилишлари лозим. Йиғилишдаги жўшқин мусоҳаба, камчиликларни принципиал танқид қилиш ва уларни бартараф этиш йўлларини излаш руҳи партия ташкилотида вужудга келган ишчанлик, ўзаро талабчанликдан далолат беради. Совхоз коммунистлари КПСС Марказий Комитетининг «Тамбов область партия ташкилотида танқид ва ўз ўзини танқиднинг аҳволи тўғрисида»ги қарори асосида партия ташкилоти олдида турган конкрет вазифаларни белгилаб амалий қарор қабул қилдилар.

Эгамберди Ботиров ва Ғайратжон Эсонқулов... Умумий партия йиғилишининг бу икки қатнашчиси Ленин партияси шонли авлодлари ворислигининг тимсолидир. 1946 йилдан КПСС аъзоси Эгамберди Ботиров Жиззахда қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш ветеранларидан бири. Партия даъвати билан 1961 йили чўлга келиб, қўриқ очган. Капаларда яшаб, чўл қўйган. Бугун у хўжалиннинг илғор бўлимларидан бирига бошчилик қилмоқда. Ғайратжон эса партия йиғилиши куни райкомдан кандидатлик карточкасини олиб қайтди. Бинобарин, бу йиғилиш ёш коммунист учун партиявий принципиаллик ва бурч масъулиятини ҳис этишнинг ўзига хос мактабига айланди.

— Бугунги йиғилиш руҳи бизнинг ҳаётимизда ғайрат билан меҳнат қилишга ундайди, — бу Ботировнинг фикри. Эсонқулов ҳам шу фикрда. Зеро, партия йиғилиши коммунистларнинг жўшқин яратувчилик меҳнатига янги куч, қудратли қанот бағишлади.

А. УМАРОВ,
Ж. САЪДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Тошкент метрополитени бунёдкорлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизитиб юборишдилар. Суратларда: 1. «Ташметрострой»нинг 2-қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли биринчи участкасида меҳнат қилаётган электр пайвандчилар (чапдан ўнгга) Михаил Мажорин ва Василий Панов. Улар шу кунларда Ҳамза номли станцияда ишлаб смена топшириқларини 115-120 процентдан адо этишмоқда. 2. Ҳамза номли станция қурилишида.

Ж. Тўраев фотолари.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА НОТ

«Ўқитувчи» нашриёти 1975 йилда профессор Ғ. Миркаримов, доцент Н. Киселев, доцент Б. Раҳимовларнинг **«Қишлоқ хўжалигида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш асослари»** дарслигини чоп этиб, хайрли иш қилди.

Муаллифлар дарсликка олий ўқув юртини тугатган ёшлар колхоз ва совхозларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш қонуниятларини пухта ўзлаштиришларини ҳисобга олган ҳолда ёндашишган.

Дарслик 12 бобдан иборат бўлиб, унда қишлоқ хўжалигида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни бошқариш ёритиб берилган.

Биринчи боб меҳнатни илмий асосда ташкил этишга оид тадқиқотлардан иборат. Бунда муаллифлар колхоз ва совхозлар тузилгандан буён қишлоқ хўжалигида жуда катта ўзгаришлар рўй берганини, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариши йил сайин такомиллашиб борганини таъкидлайдилар. Шу муносабат билан дарсликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун меҳнатни илмий асосда ташкил этиш тўғрисидаги таълимотни ривожлантириш, НОТнинг техника-иқтисодий ва социал вазифалари, қишлоқ хўжалигида математика методларини ҳамда замонавий ҳисоблаш техникасини жорий этиш, совхозларда ва колхозларда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш курсининг вазифалари ва унинг иқтисодий фанлар системасидаги ўрни, унинг бошқа фанлар билан алоқаси диққатга сазовордир.

Китобнинг муҳим бўлимларидан бири меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш ва моддий рағбатлантириш таҳлилига бағишланган. Мазкур бўлимда, аввало, социалистик ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларида ишловчиларнинг ўз қобилиятига қараб иш билан таъминлаш ва улар бажарган ишнинг сон ва сифатига қараб иш ҳақи тўлаш принципларини муаллифлар жуда кўп далиллар билан исботлайдилар.

Китобда деҳқончилик ва чорвачиликда асосий меҳнат жараёнларини ташкил этишга ҳам махсус боб ажратилган. Бунда муаллифлар пахтачиликда ва чўчқачиликдаги ишлаб чиқариш жараёнларини, пахтачиликда технология карталари ва меҳнат жараёнларини ташкил этиш, сигирларни боқиш нормалари, комплекс механизациялашнинг иқтисодий самарадорлиги, қўйчилик фермаларидаги ишларни комплекс механизациялаш учун зарур машиналар системаси каби муҳим масалаларга ҳам кенг ўрин берилган.

Китобда ишлаб чиқариш фаолиятининг асосий тури бўлган бошқаришнинг келиб чиқиши, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳамда мураккаблашуви билан, ишлаб чиқариш ва меҳнатнинг тақсимланиши билан боғлиқлиги тўла ёритилган, бунда бошқаришнинг олтита принциплари, яъни сиёсий ва хўжалик раҳбарлигининг бирлиги, демократик централизмга риоя қилиш, яккабошчилик принципи, кадрларни тўғри танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш, ижрони текшириш, хўжалик ҳисоби ва моддий манфаатдорлик ҳақида сўз юритилади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш асослари мавзусида ёзилган бу илк дарсликда, меҳнат қилиш ва дам олишнинг рационал режимлари, иш вақтининг сарф бўлишини ўрганиш усуллари, меҳнатни нормалаштиришни ташкил этиш вазифаси каби масалаларга ҳам кенг ўрин берилган.

Дарсликнинг ижобий томонлари билан бирга айрим камчиликлари ҳақида ҳам баъзи фикрлар билдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, республикада НОТни жорий этаётган хўжаликлар жуда кўп. Лекин дарсликда бу ҳақда муаллифлар шу хўжаликларнинг НОТ ишларини аниқ мисоллар билан ифодалаб беришмаган. Иккинчидан, хўжаликда диспетчерлик хизматининг тутган ўрни, уларнинг иқтисодий ва ташкилий томонлари тўлиқ ёритилмаган. Бу масалани жуда чуқур ўрганиш ҳозирги вақтда энг муҳим проблемалардан бири бўлиб қолмоқда. Учинчидан, 5-бобда иш вақтининг сарф бўлишини ўрганиш усуллари программа бўйича тўла ёритилмаган.

Бу қайд этилган айрим камчиликлар дарсликнинг умумий мазмунига путур етказмайди. Юқоридаги фикрлар дарсликнинг кейинги нашрларида ҳисобга олинади, деган умиддамиз.

Маҳмуд ИСМАТОВ,
Тошкент область Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Раҳмон РАЖАПОВ,
Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-текшириш институтининг бўлим бошлиғи, иқтисод фанлари кандидати.

БИЛИМ ПРОПАГАНДИСТЛАРИГА МУКОФОТЛАР

22 энг яхши билим пропагандисти шу йил С. И. Вавилов номли медаль лауреатлари бўлди. Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениесининг президиуми шундай қарор қабул қилди.

Ушбу жамият правлениеси таъсис этган мукофотларга ёзувчи М. А. Шолохов, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Раҳимова, КПСС Красноярск ўлка комитетининг секретари П. Г. Макеева, Ф. Э. Дзержинский номли Каунас станоксозлик заводи слесарлари бригадасининг бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ю.-А. С. Сикорскис ва бошқалар сазовор бўлдилар. Лауреатлар орасида иттифоқдош республикалар Фанлар академияларининг академиклари ва мухбир «аъзолари — П. А. Власюк (Украина ССР), С. К. Зиёдуллаев (Ўзбекистон ССР), Р. А. Кукайн (Латвия ССР), В. А. Маамяги (Эстония ССР), Ш. Ф. Мехтиев (Озарбайжон ССР), Б. И. Степанов (Белоруссия ССР), С. Т. Табишалиев (Қирғизистон ССР), Н. Тачмуродов (Туркманистон ССР) бор.

Руминия Социалистик Республикаси академиясининг президенти РСР Фанлар академияси математика институтининг директори Мирон Николеску ҳам илм-фанни ривожлантириш ва илмий билимларни тарқатишга, инсоният тинчлиги ва социал тараққиёти учун курашга қўшган катта ҳиссаси учун С. И. Вавилов номли медаль билан мукофотланди. (ТАСС).

ЗАРБДОРЛАРНИ ТАНИШТИРАМИЗ

ЧЎЛ БУРГУТИ

Қум барханлари оралаб борямиз. У ер-бу ерда арслон терисига ўхшаш ола-чипор қум тепаликлар. Ҳавонинг чеҳраси очиқ бўлса ҳам шамол эсяпти. Лекин чўл ҳансираб нафас олаётгандай туюлади. Собит бош кийимини бостириброқ кияркан, шеригига гап қотди.

— Аппаратларга қулоқ солинг. Эшитяпсизми? Ер нафас олянти...

У тийрак кўзларини бир нуқтага қадаб жим қолди. Синчиклаб ерга қулоқ солди. Алланимани сезди шекилли, ён дафтарига қандайдир белгилар қўя бошлади.

— Тўхтанглар, тўхтанглар, топилди! — Собитнинг шогирди ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Эшитинг! Арслон Бойжуродов тўғри айтяпти, — деди у ҳаяжон билан аппаратни инженерга узатаркан.

Инженер варчларга ўхшаш салмоқдор ҳаракатлари билан бошқалардан ажралиб турарди. У Собит Каримов ва унинг шогирди Арслон Бойжуродов тахмин қилган майдонда табиий газ запаси мавжудлигини тасдиқлади. Бу ерга махсус белги қўйилди, байроқча қадалди. Бу биринчиси эмас. Улар Янгиқозғон, Шохпахта, Тошқудуқ каби бир неча жойлардан ҳам «зангори олов» манбаларини аниқлашган.

Собит Каримов — Қизилқум даштларини қадам-баҳадам кезиб чиққан илғор пармаловчилардан бири. У салкам йигирма йилдан бўён қум кечиб, барханлар ошиб, самарали меҳнат қилиб келаётир. Қўқондан келган йили унга осон бўлмади. Кимсасиз чўлда баъзан сувсиз, баъзида ёлғиз тунаб қолишга тўғри келди. Дашт шамоли кўчма палаткани ағдар-тўнтар қилиб кетган кунлар ҳам бўлди.

— Ўша кезларда Қўқонга қайтиб кетишга ҳам уриниб кўргандим, — дейди у. — Лекин ор-номус, йигитлик ғурури йўл қўймади. Иродасизлик, номардликдан ўзимни тийдим.

У ҳалол меҳнати, камтар ва камсуҳанлиги туфайли ҳамкасблари ўртасида обрў-эътибор қозонди. Касбига бўлган меҳр-муҳаббати туфайли камол топди. Ҳозир Газлида ҳамкасблари уни «Чўл бургути» деб атайди. Бу—ҳурмат рамзи. У Газлига келгандан буён 200дан ортиқ қудуқларни муваффақиятли пармалаб ишга туширди. Эски қудуқларни ремонт қилиш, маҳсулдорлигини оширишда Собит Каримов ишлаётган пармаловчилар бригадаси катта тажриба тўплади. Бизнинг отрядимизда брак қудуқлар бўлган эмас. Кўпинча баъзи қудуқлар эскиргач, маҳсулдорлиги камайиб кетади. Салкам ўн беш йилдан буён отрядимиз пармалаган қудуқларнинг ҳаммаси сермаҳсул чиқаётир. Биз бунга ишни пухта ва сифатли бажариш туфайли эришмоқдамиз. Пармаловчилар бирор қудуқ фойдаланишга топширилгач, «ишимиз битди» деб ташлаб кетавермайди. Аксинча, пармаланган қудуқларнинг маҳсулот бериш коэффициентини ҳисоблаб, кузатиб борадилар. Бу ишда фақат Собит Каримов эмас, унинг Петр Никонов, Арслон Бойжуродов каби ўнлаб ҳамкасб дўстлари ҳам ибрат кўрсатиб ишлашяпти. Тўққизинчи беш йиллик вазифаларининг муваффақиятли бажарилишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Собит Каримовнинг фидокорона меҳнати партия, ҳукуматимиз томонидан юксак қадрланди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Бу олий мукофот моҳир пармаловчини янги меҳнат зафарлари сари руҳлантирмоқда. У ҳозирги кунда 1977 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Ҳар бир қудуқнинг маҳсулдорлигини кўтариш, таннархини арзонлаштириш учун қизғин кураш олиб бормоқда. Собит Каримов очган газ қудуқларининг ҳароратидан бутун мамлакат меҳнаткашлари баҳраманд бўлаётир. Беш йиллиннинг якунловчи йилида Ленин орденли Газли кон бошқармаси коллективи ўтган йилдагидан бир неча миллиард куб метр кўп табиий газ, конденсат, нефть қазиб чиқариш мажбуриятини олган.

Бу, оловкорларнинг КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига амалий жавоблари бўлади. Ана шу юксак марраларни эгаллашда Собит Каримов айниқса актив қатнашмоқда.

Ирмоқлар қўшилиб дарё бўлгани каби Газли, Учқир, Шохпахта, Тошқудуқ каби сермаҳсул газ конларидан чиқарилаётган «зангори олов» Бухоро—Урал, Ўрта Осиё—Марказ газ дарёлари орқали бепоён мамлакатимизнинг шаҳар-қишлоқларига узлуксиз оқиб турибди. Шу кунларда Бухоро областида 1959 йилдагига нисбатан 500 баравар кўп табиий газ қазиб чиқарилаётир. Бу ўсиш, юксалиш суръатларида пешқадам пармаловчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Собит Каримовнинг муносиб ҳиссаси, бор. Бу ерда пармаловчиларнинг илғор тажриба мактаби ташкил этилди. Бухоро областидаги кўпгина ёш қудуқ пармаловчилар ана шу мактабнинг тингловчилари ҳисобланади. Мураккаб чўл шароитида мамлакат куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, нефтгаз қудуқларининг кўлини очишдек хайрли ишда фаоллик кўрсатмоқдалар.

Юқорида Собит Каримовни тажрибали, пешқадам пармаловчи дедик. Айни вақтда у ажойиб инсон, меҳрибон ва дилкаш мўраббий ҳамдир. У ишлаётган коллектив коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашмоқда.

Т. НАЗИРОВ,
Ҳ. ҚОДИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбирлари.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Конимех районидаги «СССР 50 йиллиги» совхози бўрдоқибоқарлари беш йиллик ялани бажарилгани ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чендилар. Давлатга планда кўрсатилган 5000 тонна ўрнига 5021 тонна семиз гўшт топширилди. Чорвадорлар бу зафарга молларни бўрдоқига боқиш эвазига эришдилар.

Совхоз чорвадорлари якунловчи йилда ўнинчи беш йиллик ҳисобига 1000 тонна гўшт топширишга ахд қилдилар.

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири). КПССнинг навбатдаги XXV съезди шарафига меҳнат қилаётган Бухоро райони қорақўлчилари зафар қучдилар. Улар давлатга 46100 дона ўрнига 47983 дона қорақўл терн топшириб, йиллик маррадан ўзиб кетдилар.

Бу ғалаба «Қоровулбозор» қорақўлчилик совхози коллективи 33458 дона сифатли қорақўл тери етказиб бериб, муносиб ҳисса қўшди.

Ж. ЯЛДОШЕВ.

УЙЧИ. («Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири). Партия ва ҳукуматимизнинг илҳомбахш Мурожаатига жавобан астойдил меҳнат қилаётган район ғаллакорлари дон сотиш беш йиллик планини бажардилар. Қабул пунктларига планда белгиланган 6847 тонна ўрнига 9624 тонна дон етказиб берилди.

Бу муваффақиятга «Ленинград», Энгельс номли, Ленин номли колхозларнинг ғаллакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Қ. ТУРАЕВ.

Республика партия ва ҳукуматининг қишлоқ хўжалик ходимларига Мурожаати Дўстлик райони пахтакорларини ҳам янги меҳнат зафарларига руҳлантирмоқда. Ғафур Ғулом номли совхознинг Абдумурод Расулов бошлиқ бўлими пахтакорлари ғўза парваришини Мурожаат асосида ташкил қилиб, гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун курашмоқдалар. Суратда (ўнгдан): А. Расулов пахтачилик бригадаси бошлиғи Бобо Файзиев билан учинчи комплекс парваришдан чиқарилган ғўзаларни кўздан кечирмоқда.

К. Жўрақулов фотоси.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ХАБАРЛАРИ

НУКУС. Тахтакўпир районидаги Карл Маркс номли, Димитров номли совхозларда донадор озуқа тайёрлайдиган цехлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шуманай районидаги Гагарин номли совхозда ҳам шундай цех ишга туширилди. Цехларда тайёрланаётган донадор озуқалар қишлов жойларига келтириб қўйилмоқда.

Нукус районидаги «Нукус» совхозида ишга туширилган янги цехда бир кеча-кундузда 15 тонна аралаш донадор озуқа ишлаб чиқарилмоқда. Бу йил Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг бошқа районларида ҳам шундай цехлар қуриш кўзда тутилмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

ОҚДАРЕ. Район ғаллакорлари якунловчи йилда давлатга 12 минг тонна дон топшириш учун курашмоқдалар. Шу кунларда хўжаликларда ўрим-йиғим ишлари қизғин давом эттирилмоқда. Уз агрегати билан мавсумда 250 гектар ернинг ғалласини ўриб, янчиб бериш мажбуриятини олган «Коммунист» колхозининг комбайнчиси Зубайдулло Муродуллаев кунлик ўрим графигини икки баравларга етказиб адо этмоқда.

«Ўзбекистон», «Москва» колхозлари, «Даҳбед» совхозининг илғор комбайнчиларидан Хуббим Бегимов, Эсон Эргашев, Равил Кашаев, Баҳром Норматовлар ҳам шундай юқори кўрсатичга эришмоқдалар.

Район хўжаликларида давлатга дон топшириш кун сайин авж олдирилмоқда.

С. ХУЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ЛЕНИНГРАД. Абдураҳмон Қодиров райондаги «Социализм» колхозида 22 йилдан буён сувчилик қилиб келмоқда. У оз сув билан катта майдонлардаги ғўзаларни қондириб суғоришда ўзига хос тажриба мактаби яратди. Колхоз правленнеси моҳир сувчининг кўп йиллик самарали меҳнатларини эътиборга олиб, уни «Жигули» енгил машинаси билан мукофотлади.

Қ. МАДУМАРОВ.

НИШОН. Ишбилармон комбайнчилардан Шоди Қурбонов, Бўрон Панжиев, Жума Ғуддиевлар кунига 10-12 гектар ернинг ғалласини ўриб, гектаридан 15 центнердан дон янчмоқдалар. Райондаги Карл Маркс номли колхознинг бошқа комбайнчилари ҳам графикни ошириб адо этмоқдалар.

Х. НАЗАРОВ.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ИЮЛДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикасининг барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига Мурожаати ҳамда СССР Министрлар Советининг қатъий пландан ташқари топширмаган пахта ҳосили учун 50 процент устама ҳақ тўлаш ҳақидаги қарори тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида далаларда мўл ҳосил учун қизғин кураш олиб бораётган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини янги меҳнат ғалабаларига руҳлантириб юборди.

Шу кунларда пахта далаларининг кўпчилик қисмида ғўза ёппасига гуллаб, ҳосил тугмоқда. Шу билан бир қаторда айрим майдонларда ғўза парваришида орқада қолинмоқда. Бир хил картанинг ўзида турли хил ривожланишда ўсаётган, гуллаш, ҳосил тугиш жараёнлари кечикаётган ғўзалар бор. Айни пайтда ниҳол тупларни бирмунча сийраклашиб қолган майдонларни ҳам учратиш мумкин.

Пахтачиликда энг масъулиятли давр бошланди. Июль ойи ҳосил тақдирини ҳал қилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир картада ўша шароит ва ҳолатни тўғри ҳисобга олган ҳолда ғўза парваришини табақалаштириб ташкил этиш лозим. Ғўза парваришини шундай ташкил этиш лозимки, ўсишдан қолаётган карталарда парваришни кучайтирган ҳолда июль ойининг охирига қадар ҳар бир туп ғўза камида 6-7 тадан кўсак олишини таъминлаш зарур.

Саратонда ғўза парваришининг энг муҳим омилларидан бири — суғоришни тўғри ташкил эта билишдир. Шу кунларда ҳосил тақдири кўп жиҳатдан сувчининг меҳнати ва маҳоратига боғлиқ. Лекин Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд ва Фарғона областларида вегетация муддатининг суғориш суръатлари кўнгилдагидек эмас. Бу областларнинг кўпгина хўжаликларида ғўза икки-уч марта озиқлантирилгани ҳолда суғориш муддатлари кечиктирилмоқда. Озиқлантириш ва суғориш оралиғидаги агротехник муддат бузилмоқда. Бу эса, ғўзанинг ёппасига гуллаш ва ҳосил тугиш даврида айниқса кечирилмас ҳолдир.

Сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда ғўзани июль ойида икки-уч марта, тахминан ҳар 12-14 кун атрофида суғориб туриш лозим. Сизот сувлари юза жойлашган майдонларда эса ғўзани июль ойида 1-2 марта, тахминан 18-20 кунда суғориш тавсия қилинади. Тупроғи енгил, қумоқли ва тошлоқли ерларда ғўзани тез-тез, ҳар 10-12 кунда суғориш зарур. Суғоришни тунги-кун ўтказиш ва сувнинг оқимига яраша сувчилар сонини ошириш, ҳар бир литр сувдан максимал даражада фойдаланиш ва наф кўриш керак. Бунинг учун ҳар бир хўжаликда сувчилар сонини ошириш билан бир қаторда уларнинг тажриба ва маҳоратига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим бўлади.

Ғўза майдонларини табақалаштириб суғориш ғоят қулай усулдир. Бунда ҳар бир участканинг конкрет шароити — тупроқнинг сувни шимиш хусусияти ва ернинг текислик даражасига алоҳида эътибор берилади. Бу йилги сув танқис бўлган шароитда сувнинг ҳар бир томчисини эҳтиёт қилиш зарур. Шу туфайли суғориладиган эгатларнинг қисқароқ бўлиши сувни тежаш имконини беради.

Ғўза майдонларини зах ҳатиб суғориш мақсадида эгатларда сувни узоқ сақлашга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Шу билан бир қаторда юзаки, «чоптириб» суғоришга ҳам йўл қўйиб маслик керак. Бунда тупроқ етарлича нам тўплай олмайди.

Ҳар бир хўжаликда бригадаларга берилаётган сувнинг ва суғорилаётган майдоннинг қатъий ҳисоб-китоби йўлга қўйилиши керак. Суғориладиган майдоннинг самарадорлигини ошириш мақсадида тупроқда намни сақлаш учун лозим бўлган барча агротехника қоидаларига тўла риоя қилиш талаб этилади.

Сувдан оқилона фойдаланиш учун ўсимликнинг сув талаб муддатини аниқ белгилаш ҳамда ғўза қатор оралиғига ишлов беришни сифатли бажариш лозим.

Ғўза қатор ораларига ишлов берганда тупроқнинг етарли даражада майдаланишига эришиш керак. Сувдан кейин ғўза қатор ораларини культивация қилиш кечиктирилса, тупроқнинг етарли даражада майдаланиши қийинлашади. Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг тажрибаларидан маълумки, ғўза қатор оралари кечикиб культивация қилинганда ҳосил тугунчалари тўкилиш ва бу ўз навбатида ҳосил тақдирига жиддий зарар келтириши мумкин. Масалан, ғўза майдонлари суғорилгандан сўнг ернинг оби-тобида культивация қилинганда гектаридан 42,5 центнердан пахта ҳосили олинган. Шу майдонда сувдан кейин культивация муддати икки кун кечиктирилганда, пахта ҳосилдорлиги 3,7 центнер, культивация тўрт кун кечиктирилганда, ҳосилдорлик 4,9 центнер, олти кун кечиктирилганда эса, 5,7 центнер камайиб кетган.

Культивация даврида ғўза ниҳолининг илдиз қисмига зарар етказмаслиги учун белгиланган чуқурликда культивация қилиш тавсия этилади. Маромидан ошириб чуқур культивация қилинганда тупроқдаги нам ниҳоятда тез кўтарилади. Иккинчидан эса, ўсимликнинг илдиз қисми зарарланиб, ғўзанинг вилтга чалиниши учун қулай шароит юзага келади.

Қатор оралиғи 60 сантиметрлик майдонларда культиваторнинг охирги ишчи органларини тупроққа 8-10 сантиметр ботадиган, ўртадаги ишчи органларини эса 12-14 сантиметр ботадиган қилиб ўрнатмоқ зарур. Кенг қаторлаб экилган майдонларда эса, культиваторни охирги ишчи органларининг 8-10 сантиметр, ўртадаги ишчи органларини эса 14-16 сантиметр ботадиган қилиб ўрнатиш мақсадга мувофиқдир.

Культивация ҳақида фикр юритганда шу нарсани алоҳида ёдда сақлаш зарур: сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда суғормасдан, яъни «қуруқ» культивация қилишга мутлақо йўл қўймаслик керак. Баъзилар буни қўшимча «парвариш» деб тушинадилар, бироқ бу усул тупроқдан намни қочиришдан бошқа самара бермайди.

Ғўзанинг ёппасига гуллаш ва ҳосил тугиш даврида азот ва азотли фосфор озуқаларига бўлган эҳтиёжи ниҳоятда ортади. Азотли озуқа бу даврда ғўзага қуёш нурларини сингдиришни тезлаштиради, ҳосил тугунчаларини тўкилишдан сақлайди ва кўсакнинг салмоғини оширади. Айни пайтда фосфорли озуқанинг аҳамияти ҳам муҳим. Фосфорли озуқа ғўзанинг ҳосил элементлари етилишини тезлаштиради, уларни тўкилишдан сақлайди ва ҳосилнинг пишиб етилишини сезиларли равишда тезлаштиради. Шу муддатда ҳар гектар майдонга 150-180 килограммдан аммиакли селитра ва 150-200 килограммдан суперфосфат солиш тавсия қилинади.

Минерал ўғитларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларни маҳаллий ўғитлар билан аралаштириб солиш яхши самаралар беради. Бунинг учун ҳар килограмм аммиакли селитрага 2-2,5 килограмм ҳисобида чириган маҳаллий ўғитни аралаштириш лозим. Ғўзанинг гуллаш даврида ўғитни эгатлар орасига 3-4 сантиметр чуқурликка солиш яхши самаралар беради.

Маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланишда ва жумладан азот, фосфор, калий бирикмаларини қориштириб солишда агрономга хос қатъий назорат ўрнатилиши талаб қилинади.

Озиқлантиришни ўз вақтида ўтказиш ва тугаллаш муҳим аҳамиятга эга. Усимликка кеч солинган азотли ўғит ғўзани беҳуда ғовлатиб юборади. Бу эса, кўсакни кўпайтиришга ва тезроқ пишишига салбий таъсир кўрсатади.

Усимлик кеч озиқлантирилганда ҳосилдорлик билан бирга тола сифати ҳам паст бўлади. Шу туфайли ғўзани озиқлантиришни 10-15 июлга қадар тугаллаш мақсадга мувофиқдир.

Ўтган июнь ойининг об-ҳаво шароитлари пахта далаларида ўргимчаккана ва кўсак қуртининг кенг тарқалишига қулай шароит туғдирди. Июль ойининг биринчи ўн кунлигида ғўза шоналарида кўсак қуртининг тухумлари кенг тарқалмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳосил тақдирига жиддий хавф солмоқда.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг бундай кенг тарқалишига қарамай, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Бухоро областларида уларга қарши курашиш қоникарли ташкил этилган эмас.

Ўзбекистон пахтакорлари беш йиллигининг якунловчи йилида ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олганлар. Айни шу кунларда далаларда ҳосил тақдири ҳал бўлмоқда. Шунга кўра фан ва илғор тажриба ютуқларини пахтачиликка кенг жорий этиб, ҳар бир майдоннинг тупроқ ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда агротехника тадбирларини табақалаштирилган ҳолда ўтказиш, ғўза парваришини кучайтириш, ғўза гулига гул, кўсагига кўсак қўшиш учун ҳамма жойда фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатайлик.

БУ ТАВСИЯЛАР БУТУНИТТИФОҚ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (СОЮЗНИХИ) ТОМОНИДАН ТАЙЕРЛАНИБ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИ КОЛЛЕГИЯСИ ТАСДИҚЛАГАН.

ПЛАНЕТАМИЗДА

УЛАН-БАТОРДА ЛЕНИН МУЗЕЙИ

Улан-Баторнинг марказида В. И. Ленин музейи қурилмоқда. Экспозицияларнинг махсус бўлими монгол халқининг Ленин ғояларини ҳаётга татбиқ этиб, капитализм тузумини четлаб социализмга ўтганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

— Бинони лойиҳалаштиришда биз монгол халқ миллий архитектураси анъаналари ва қурилишдаги замонавий ютуқлардан фойдаландик, — дейди лойиҳа автори Г. Лувсандорж.— Музей пештоқи В. И. Ленин ҳаёти ва фаолиятига оид барельефлар ҳамда монгол безаклари билан жилоланади. Бино конструкцияларининг ҳисоб-китобларини монгол ва совет инженерлари бажардилар. Кўргазма залларини безаш ишлари таниқли монгол рассоми Я. Уржина ва Владимир Коротковларга топширилди.

Бинонинг биринчи қавати қурилиши тугалланай деб қолди. Бу ерга музей фондларини сақлаш хонаси, кўргазмалар ҳамда кинолекция залари жойлашади. Асосий экспозициялар иккинчи ва учинчи қаватларга жойлаштирилади.

А. ЧЕРНЕЦКИЙ.
(АПН).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВИЗИТИ

КОНАКРИ, 7 июль. (ТАСС). СССР Олий Совети депутати, Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон область комитетининг биринчи секретари Қ. Камолов бошчилигидаги Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети делегациясининг Гвинея республикасига қилган визити тамом бўлди. Делегация Гвинеяда бўлган вақтида мамлакатнинг бир қанча шаҳарларига бориб, маҳаллий партия ва давлат органларининг раҳбарлари билан, корхоналарнинг меҳнаткашлари ва жамоат арбоблари билан учрашди. СССРдан келган меҳмонлар Киндиа шаҳрида Совет Иттифоқининг иқтисодий ёрдами билан қурилган боксит қазиб чиқариш миллий корхонасида бўлдилар.

Гвинея демократик партиясининг бош секретари, Гвинея республикасининг президенти Аҳмад Секу Туре совет делегациясини қабул қилди. Гвинея давлатининг бошлиғи Совет—Гвинея муносабатларига, КПСС билан Гвинея демократик партияси ўртасидаги қардошларча ҳамкорлик ва бирдамликка юксак баҳо берди.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ҲАМКОРЛИК

БАЙРУТ, 7 июль. (ТАСС). Сомали Олий революцион кенгашининг президенти Муҳаммад Сиад Барре бундай деди: Сомали билан Совет Иттифоқи ўртасида бир-бирини ҳурмат қилиш ва бир-бирининг ички ишига аралашмаслик принципларига асосланган жуда яхши муносабатлар мавжуддир. Совет Иттифоқи Сомалига бегараз иқтисодий ёрдам бермоқда ва бунинг учун ҳеч қандай шартларни қўймаётир.

Муҳаммад Сиад Барре Байрутда чиқадиган «Ан-Наҳор» газетасида эълон қилинган суҳбатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Совет Иттифоқи қурғоқчилик вақтида Сомалига ёрдам берган ягона мамлакат бўлди. Ҳозирги вақтда СССР милий экономикани ривожлантириш соҳасида республикага кенг кўламда ёрдам беряпти. «Биз Совет Иттифоқини ҳурмат қиламиз ва унинг ёрдамига юксак баҳо берамиз», — деди Сомали Олий революцион кенгашининг президенти.

Олий революцион кенгаш президенти сўзининг охирида бундай деди: Сомали социалистик тараққиёт йўлини танлаб олди, чунки бу йўл ривожланаётган мамлакатларнинг ҳалқлари бориши мумкин бўлган бирдан-бир тўғри йўлдир.

ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

БОННН. Германия Федератив Республикасида шаҳар транспортида қатнов тарифлари, электр энергия, сув, газ ҳақи ва турли коммунал хизмат учун тўланадиган ҳақ яна оширилганлигига қарши норозилик ҳаракати кенгайиб бормоқда. Мамлакатнинг энг йирик саноат марказларидан бири Ганновер аҳолисининг оммавий намойишлари бўлиб ўтди. Аҳоли шаҳар транспортида қатнов ҳақининг оширилишига қарши норозилик билдирди. Бу намойишларни 50 та жамоат, ёшлар ва студентлар ташкилоти уюштирди.

Ғарбий Германиянинг бошқа шаҳри — Гейдельбергда норозилик намойишлари бир ҳафтадан буён давом этмоқда. Христиан-демократик иттифоқ вакиллари бошчилик қилаётган Баден-Вюртемберг вилоятининг ҳукумати бу шаҳарга полициянинг кўп отрядларини юборди.

Шаҳар транспортида қатнов тарифларининг оширилишига қарши намойишлар Франкфурт-Майнда ҳам бўлиб ўтди. Бу шаҳарда полиция норозилик намойиши қатнашчиларидан етти кишини қамоққа олди. (ТАСС).

ЛИВАНДАГИ АҲВОЛГА ДОИР

БАЙРУТ, 7 июль. (ТАСС). Бош министр Р. Караме чет эл журналистлари учун уюштирилган матбуот конференциясида сўзга чиқди. У айтдики, ҳукумат томонидан кўрилган тадбирлар натижасида Байрутдаги ва мамлакатнинг бошқа районларидаги аҳволни яхшилашга муваффақ бўлинди. Р. Караме яқинда Ливанда рўй берган фожиали воқеалар бундан буён такрорланмайди, деб умид билдирди.

Бош министр мамлакат экономикаси унча катта зарар кўрмади, деб таъкидлади. Сўнгра Р. Караме қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Ливан — Фаластин муносабатлари бир-бирларининг манфаатларини ҳурмат қилишга асосланади.

Бу ерда Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг ҳам мажлиси бўлди. Мажлисга Я. Арафат раислик қилди.

Фаластин информация агентлигининг хабар беришича, ижроия комитет Байрутда ва Ливаннинг бошқа районларида кейинги вақтларда рўй берган қуролли тўқнашувлар оқибатида рўй берган аҳволни муҳокама қилган.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

ҲИНДИСТОН: РЕАКЦИЯГА ЗАРБА

Ҳиндистон президенти Ф. А. Аҳмад яқинда реакцион кучларнинг ҳуружлари натижасида ички тартибсизликлар хавфи рўй берганлиги муносабати билан мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилди, деб эълон қилди. Бош министр И. Ганди радио орқали сўзлаган нутқида оппозиция партияларнинг ички осойишталикка хавф туғдирадиган қора ниятлари ҳукуматга эён бўлиб қолганидан кейин шундай чоралар кўрилди, деб тушунтириб берди. Жумладан, армия ва полициядга ҳукуматга қарши ҳуруж уюштиришга ўринди кўрдилар. Юз берган воқеаларнинг ҳаммаси реакция давлат тўнтариши ясашга тайёрланганлигини кўрсатди.

И. Ганди ҳукумати бундай шароитда мамлакат конституциясига тамомила мувофиқ суратда фавқулодда ҳолат жорий этди. Қонунга асосан ўнг кучларнинг бир қанча раҳбарлари, шу жумладан, уларнинг диний бошлиғи Жайпракаш Нарайан қамоққа олинди. Жайпракаш Нарайан фавқулодда ҳолат эълон қилиниши арафасида халқни қўзғолон кўтаришга, армия ва полицияни эса буйруқларга бўйсунмасликка даъват этди. Айни вақтда ҳукуматнинг фармойишларига итоат қилмаслик йўли билан мамлакатда иқтисодий бошбошдоқликни вужудга келтиришга уринган шахсларга қарши, жумладан, энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва молларни яшириб қўйишларига қарши, спекулянтлар ва чайқовчиларга қарши кескин чоралар кўрилди.

Ҳукумат халқ оммасининг манфаатларини кўзлаб, нархлар стабиллаштирилажаги ва пасайтирилажагини, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўлайтирилиб, аҳолининг таъминоти яхшиланажагини эълон қилди. Бош министр халққа мурожаат қилиб, ерни ерсиз деҳқонларга ва қишлоқ хўжалик ишчиларига тақсимлаб бериш, корхоналарни бошқаришда ишчиларни қатнаштириш каби муҳим иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этиш учун актив иш олиб боришга даъват этди. Индира Ганди ана шу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳиндларни зўр ғайрат билан меҳнат қилишга ва интизомга қаттиқ риоя этишга чорлади.

Мамлакатда амалга оширилаётган социал-иқтисодий ислоҳотларга қаршилик кўрсатаётган ва ҳаддидан ошган реакцияни жиловлаб қўйиш соҳасида ҳукумат томонидан кўрилган тадбирларни Ҳиндистон меҳнаткашлари бажонидил қўллаб-қувватламоқдалар. Бутун жаҳондаги тараққиёпарвар жамоатчилик бу тадбирларни маъқуллади. Ғарбдаги, хусусан АҚШ ва Буюк Британиядаги реакцион матбуотгина Ҳиндистон ҳукуматининг тадбирларига, шахсан И. Гандига қарши ғаразгўйлик билан ҳуруж қилди. Ҳиндистонга қарши қаратилган бу ҳуружга Пекин пропагандистлари ҳам қўшилди. Империалистик матбуотнинг, маочиларнинг ва Ҳиндистондаги реакция маддоҳларининг келтирган «далиллари» бир томчи сувдек бир-бирига ўхшайди. Улар Ҳиндистондаги прогрессив ғалабаларга ва социал-иқтисодий ислоҳотлар программасига, И. Ганди бошлиқ ҳукуматнинг мустақил ташқи сиёсий йўлига қарши чиқдилар.

Ҳиндистон матбуоти шу кунларда Ҳиндистон ҳукуматининг прогрессив ғалабаларни ҳимоя қилиш йўлида кўраётган қатъий тадбирлари ҳинд халқининг ҳозирги қийинчиликларни муваффақиятли суратда бартараф қилишга, мўлжалланган ислоҳотларни амалга оширишга, мамлакатнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирмоқда.

БЕСАРАНЖОМЛИКНИНГ БОИСИ НИМА?

Ливандаги ўнг катаиб партиясига мансуб бўлган фалангачилар шу ҳафта ичида Байрутда ивғогарлик мақсадида яна қонли тартибсизликларни уюштирдилар ва бу билан Ливанда жуда хатарли тус олган ички сиёсий вазиятни ғоят мушкуллаштириб, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётини издан чиқардилар. Ливан буржуазиясининг энг реакцион доираларига таянган бу партия Мисрнинг «Алжумҳурия» газетаси таъкидлаб ўтганидек, «Арабларнинг ўз миллий ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашига қарши чиқаётганларнинг қўлидаги қурол сифатида тобора очиқ ҳаракат қилмоқда. Фалангачилар ўзларининг асосий зарбаларини Ливандаги Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг қатнашчиларига, яъни исроиллик агрессорларига қарши актив кураш олиб бораётган кучларга қарши қаратмоқдалар.

Катаиб партиясининг раҳбарлари айни вақтда Ливанни бошқа араб мамлакатларидан ажратиб қўйишга ҳаракат қилмоқдалар, Ливанни империалистик давлатлар билан ҳамкорлик қиладиган ва Якин Шарқдаги тараққиёпарвар режимларга қарши чикадиган мамлакатга айлантиришга интилмоқдалар. Уларнинг мақсади — Ливанда реакцион диктатура режимини ўрнатишдан иборат.

Фалангачилар кейинги ойларда шундай сиёсатни амалга ошириб, бир неча бор катта ҳуруж қилдилар ва ивғогарлик мақсадида фаластинликлар билан тўқнашувларни уюштирдилар. Шу ҳафтанинг бир ўзидагина фалангачи отрядлар билан Фаластин ташкилотларининг иштирокчилари ўртасида рўй берган отишмалар вақтида неча юзлаб киши ўлдирилди ва жароҳатланди.

Ливанда ўнг кучларнинг кирдикорларига қарши норозилик билдириш учун 24 соатлик ялпи завбастовка ўтказилди. Забастовка қатнашчилари Ливандаги тараққиёпарвар кучларнинг реакция томонидан қилинаётган жиноий ҳаракатларга қатъий зарба бериш ва Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатига қарши уюштирилаётган янги фитнани барбод этиш ҳақидаги талабларни қўллаб-қувватладилар.

Кейинги ҳафталарда тараққиёпарвар кучлар бирлигининг мустаҳкамланганлиги катаибни яккалаб қўйиш ва Ливанда янги ҳукумат тузиш имконини берди. Аввалги ҳукуматдан фарқ қилароқ янги ҳукумат ҳайъатига ана шу реакцион партиянинг вакиллари киритилмади. Байрутда чиқадиган «Ан-Нидо» газетаси бу воқеани Ливандаги ватанпарвар кучларнинг катта ғалабаси, деб ҳисоблайди. Хабар беришларига кўра, янги ҳукумат қуролли тўқнашувларга чек қўйиш ва мамлакатдаги аҳволни нормаллаштириш учун зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Янги бош министр Р. Караме ва Фаластин озодлик ташкилотининг раҳбари Я. Арафат ўт очишни тамомила тугатишга қаратилган тадбирларни биргаликда амалга ошириш хусусида бир битимга келишди. Араб газеталари фаланга намояндаларидан халос бўлган ҳукумат Ливанда тинчлик ва осойишталикка эриша олади, деб умид билдирди.

ТОРТИШУВЛАР КЕСКИН ТУС ОЛДИ

Шу ҳафта ичида Мадридда Пентагоннинг Испания территориясидаги базаларининг истиқболи тўғрисида ўтказилаётган Испания — Америка музокараларининг навбатдаги еттинчи давраси тамом бўлди. Маълумки, АҚШнинг Мадридга ҳарбий ва иқтисодий ёрдам бериш эвазига Испания территориясидаги ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз базаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берган шартномасининг муҳлати шу йил сентябрь ойида тугайди. Бу шартномасининг муҳлатини узайтириш ҳақидаги музокаралар кескин вазиятда ўтмоқда ва шу пайтгача конкрет натижа бермади.

АҚШ президенти Ж. Форднинг яқинда Мадридга қилган визити вақтида Испаниядаги Америка базаларини сақлаш хусусида «асосан келишиб олинган» бўлса ҳам, ҳар икки томон зўр бериб тортишиб, ўзига фойдали бўлган моддаларни шартномага киритишга интилмоқда.

Франко режими бошидан кечираётган сиёсий танглик Мадридни сиёсий мадад ва ҳарбий ёрдамни кенгайтиришга Вашингтонни кўндириш учун ҳаракат қилишга мажбур этмоқда. Хабар беришларига кўра, Испания маъмурлари «бирлиқда мудофаа қилиш» ҳақидаги моддани мазкур шартномага киритишни Қўшма Штатлардан талаб қилмоқдалар. Бошқа сўз билан айтганда, Мадрид «Франко режими учун хавф-хатарли вазият рўй берган тақдирда» Америкининг Испаниядаги қурол-яроғлари ва ҳарбий қисмларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишни истайди.

Бошқа талаблар ҳам илгари сурилмоқда. Жумладан, Испания ўз армияси учун Америкининг қуроллари, кемалар, ракета ва самолётларни кўпроқ етказиб беришини талаб қилянти. Ўта ўнг фалангачиларнинг раҳбарлари Блас Пиньяр эса яқинда «Фуэрса Нуэва» журналида босилган суҳбатида Мадриддаги ашаддий ўнг фалангачиларнинг фикрини ифода этиб, шу гапларни айтди: «Қўшма Штатлар Испаниянинг Гибралтарни қайтариб олишига ёрдам берадиган бўлса» испан томони «Кайсарлик қилмайди» ва базалар ҳақидаги янги шартномани имзолайди. Маълумки, Франко ҳукумати Буюк Британиянинг мустамлакаси ва ҳарбий денгиз базаси бўлган Гибралтарни қайтариб олиш учун кўпдан буён ҳаракат қилиб келмоқда.

Қўшма Штатлар ҳам ўзи учун ҳарбий жиҳатдан жуда муҳим бўлган Пиреней плацдармини ўз назоратида сақлаб қолишдан манфаатдордир. Грециянинг НАТО ҳарбий ташкилотидан чиқиб кетганлиги, Кипр хусусида греклар билан турклар ўртасида рўй берган низо ва Португалияда фашист режимининг ағдариб ташланганлиги муносабати билан Шимолий Атлантик иттифоқи ҳозир бошидан кечираётган қийинчиликлар АҚШнинг Испанияга ғоят қизиқиб қараётганлигига қандай ҳоллар сабаб эканлигини кўрсатиб турибди. Бундай шароитда Пиреней орқасидаги ҳарбий базалар алоҳида аҳамият касб этади. АҚШ бу базаларнинг кўлдан кетиши НАТОнинг «жанубдаги қаноти»ни ғоят заифлаштиражагини англаб, Мадриднинг кўнглини овламоқда ва Испанияни ана шу ҳарбий ташкилотга қабул қилиш йўлидаги ҳаракатларини тўхтатмаётир.

Мадридда базалар хусусида бир неча ойдан буён олиб борилаётган Америка—Испания музокаралари Испаниядаги кенг жамоатчиликнинг кескин норозилигига сабаб бўлмоқда. Аҳолининг фикрини билиш учун яқинда саволнома тарқатилган эди. Бу саволномага жавоб қайтарган испанларнинг 90 процентининг Испаниянинг мустақиллиги ва суверенитетига катта хавф туғдираётган Америка ҳарбий базалари тугатилсин, деб қатъий талаб этди.

А. БИРЮКОВ,
С. КУЛИК,
Л. СЕРРАНО.
(ТАСС).

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ ЙЎЛИДА

ҚУРИЛИШДА ЯНГИЛИК

Сергелида қурилаётган ошхона мебели ишлаб чиқарувчи заводда ишлаб чиқариш корпуси устини ёпувчи ноёб том монтаж қилина бошланди. Бу ерда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги «Ташпромстрой» трестининг коллективи биринчи марта юксак сейсмик район шароитларида металл трубалардан ясалувчи енгил фазовий структура конструкцияларини қўллади.

Бу деталлар шу ернинг ўзидаги қурилиш майдонида йиғилади. Унинг пайвандланадиган жойлари йўқ, электрод ўрнида гайка қалити ишга солинади. Унинг ҳамма бириктириладиган жойлари резьбали қилиб ишланган. Барча элементлар ўзаро боғланиб бўлгач, ҳосил бўлган конструкция кранлар билан кўтарилиб устунларга қўйилади. Шундан кейин том ёпишга киришиш мумкин: енгил металл тўшама ёпиб устидан майда керамзит бетон қоплаш, иссиқ сақлаш плиталарини териш ва бутун «пирог»ни гидроизоляция билан ишоталаш мумкин. Бундай том бинони ёғин-сочиндан, офтобдан ва совуқдан пухта ҳоталайди.

Фазовий панжара конструкциядаги том сейсмик вариантн «Узгипротяжпром» институтида бош конструктор С. Квенцель раҳбарлигида ишлаб чиқилди. Инженерлар уни лойиҳада қўллашдан аввал иқтисодий анализ ўтказдилар. Янгилик анъанавий конструкциядаги фермалар билан таққосланди. Металл сарфи икки баравар камаяр экан. Лекин трубка конструкция нархи қимматлигидан Тошкент енгил металл конструкциялар экспериментал заводи уларни андигина ўзлаштирмоқда, томга ёпиладиган янги материал ҳар квадрат метрининг нархи бир неча сўм қиймат чиқди. Лекин унинг муддати тўрт баравар қисқариши, ишлатиш сарф-харажатлари камайиши ва бошқа омиллар назарда тутилганида янгиликнинг нафи равшан бўлди-қолди.

«Ташпромстрой»чилар деб ёзади ЎзТАГ мухбири Е. Гайнулин, объектда 16 минг квадрат метр чамаси фазовий қоплама монтаж қилмоқдалар.



БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

ҚЎРИҚЛАР БАҒРИДА ИНСТИТУТ ФИЛИАЛЛАРИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтида ҳозирги кунда ўн мингга яқин студент таълим олмоқда. Улар қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳалари бўйича мутахассис бўлиб етишадилар. Бироқ қишлоқ хўжалигининг тараққиёти учун бу кифоя қилмаётир. Шу туфайли Янгиер ва Қарши шаҳарларида институтнинг янги филиаллари иш бошлади. Қўриқ ерлар бағридаги бу институтларнинг истиқболи қандай? Мухбиримиз шулар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилиб, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ректори С. П. ПУЛАТОВГА мурожаат қилди.

— Қўриқ ерлар бағрида иш бошлаган институтнинг филиаллари очилишини тақозо этган янги талаблар ҳақида сўзлаб бересангиз?

— Бу талаблар республикада қишлоқ хўжалиги ва биринчи навбатда пахтачиликнинг нурли истиқболи билан боғлиқдир. Маълумки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги бир қатор кенг ва актуал тармоқларга бўлинади. Эндиликда бугунги қишлоқни инженер-электрчи, инженер-ер тузувчи, инженер-гидротехник, инженер-ирригатор, инженер-мелиоратор каби мутахассисларсиз тўла тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай касбларга айниқса Янгиер ва Қарши даштларида зарурат кучли. Шуни инобатга олган ҳолда партия ва ҳукуматимиз чўлқуварларга яна бир бор катта гамхўрлик қилиб, қўриқ ерлар бағрида институт филиалларини очишга рухсат этди.

— Институт филиалларида асосан қайси касблар бўйича мутахассислар тайёрланади?

— Бу йилнинг ўзида ҳар икки филиалда ҳам янги ўқув йилига 200 нафардан студент қабул қилинади. Қаршида уч факультет — қишлоқ хўжалигини механизациялаш, гидромелиорация ва ер қурилиши факультетлари иш бошлади. Янгиерда эса қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва гидромелиорация факультетлари очилди. Ҳар икки филиалда ҳозирча тўрттадан асосий кафедра — марксизм-ленинизм асослари, умумий техника, умумий таълим ва физика-математика кафедралари иш олиб боради.

— Қўриқ ердаги институтларнинг қабул тартибида ўзига хос қандай томонлари бор?

— Бу илм масканларига барча ўқув юртларида бўлганидек биринчи навбатда ишлаб чиқариш стажига эга бўлган, Совет Армияси сафидан қайтган ва қишлоқ хўжалигида ишлаб турган ҳамда колхоз-совхозларнинг йўлланмаси билан келган ёшлар қабул қилинади. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетига кўпроқ турсунойчи механизатор хотин-қизларни қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Эндиликда улар қишлоқ хўжалик машиналарини бошқаришгина қолмай, уларни яратиш, ихтиро қилиш имкониятларига ҳам эга бўлишади. Ҳеч кимга сир эмаски, ҳозирча қишлоқ хўжалигида хотин-қиз инженерлар анча кам.

— Институт филиалларининг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?

— Маълумки, Қарши, Мирзачўл ва Жиззах чўлларининг истиқболи порлоқ. Биргина Қарши чўлида пахта етиштириш яқин келажакда бир миллион 300 минг тоннага етади. Мирзачўл ва Жиззах чўлларидан эса ҳозиргидан икки баравар кўп пахта олинади. Бу рақамлар қўриқ ерлар бағрида жуда кўплаб қишлоқ хўжалик инженерлари тайёрлашни тақозо этади. Шу туфайли Янгиер ва Қарши шаҳрида иш бошлаган институт филиаллари келгуси уч-тўрт йил ичида мустақил институтларга айланади. Уларнинг ҳар бирида ўртача 5 минг—6 минг атрофида студент бўлади. Ҳозир Москвадаги «Гипровуз» лойиҳалаш институтининг Тошкент филиали ҳар икки институт учун янги ўқув корпусларини лойиҳалаш ишини бошлаб юборди. Янги кадрлар ўчоғи учун Қаршида 56 гектар, Янгиерда эса 60 гектар майдон ажратилди. Институт корпуслари, ётоқхона, ошхона ва спорт заллари ишлатилган, боғ ва гулзорлар орасида жойлашган бўлади. Қўриқ ерлар бағридаги янги институтларда кириш имтиҳонларига қизғин тайёргарлик кўраётган чўлқувар ёшларга муваффақият тилаймиз.

Ш. УБАЙДУЛЛАЕВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбири.

Суратда: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг коллективи янги ўқув йили арафасида ажойиб сова олдилар. Янги ўқув корпуси қурилиб фойдаланишга топширилди. Институтнинг Янгиер ва Қарши шаҳарларида очилган филиаллари ҳам яқин келажакда шундай кўркам бинолларга эга бўлади.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
9-10 июлда
НАМАНГАН ШАҲАР А. С. ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИНИНГ ЁЗГИ ТЕАТР БИНОСИДА,
11 июлда
ЯНГИҚУРҒОН РАЙОН СТАДИОНИДА,
13 июлда
УЧҚУРҒОН РАЙОН СТАДИОНИДА

«САНЪАТ БАЙРАМИ»

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбек ашула ва рақс «Шодлик» ансамбли.
Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳаким НИШОНОВ.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, ҚҚ АССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ХАЙИТОВА, Вилоят ОҚИЛОВА, Дилафруз ЖАББОРОВА, Жуманазар БЕКЖОНОВ.
Солистлар: Дадахон ҲАСАНОВ, Шерали ЖЎРАЕВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ.
Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли.
Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.
Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.
Концерт кеч соат 7 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги
ЎЛКА МЕДИЦИНАСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Гастроэнтерология бўлими бўйича: мудир (доктор, медицина фанлари кандидати), катта илмий ходим (медицина фанлари кандидати—5), кичик илмий ходим (6) — клиник гастроэнтерология лабораторияси;
мудир (доктор, фан кандидати), катта илмий ходим (фан кандидати—7), кичик илмий ходим (9) — экспериментал гастроэнтерология лабораторияси.
Эндокринология бўлими бўйича: мудир (доктор, медицина фанлари кандидати), катта илмий ходим (хирург-эндокринолог, терапевт-эндокринолог (2) — медицина фанлари кандидатлари), кичик илмий ходим (хирург-эндокринолог (4), терапевт-эндокринолог (3) — клиник эндокринология лабораторияси;
мудир (доктор, фан кандидати), катта илмий ходим (фан кандидати), кичик илмий ходим (5) — экспериментал эндокринология лабораторияси.
Фармакотерапия бўлими бўйича: мудир (доктор, медицина фанлари кандидати), катта илмий ходим (медицина фанлари кандидати), кичик илмий ходим (3) — клиник экспериментал фармакотерапия лабораторияси;
мудир (доктор, медицина фанлари кандидати), катта илмий ходим (медицина фанлари кандидати), кичик илмий ходим (2) — шарқ медицинаси лабораторияси.
Ташкилий-методик бўлим бўйича: мудир (доктор, медицина фанлари кандидати), кичик илмий ходим.
Конкурс муддати — 24 июлгача.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 700125, Максим Горький проспекти, 56-уй.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1975—1976 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича кундузги бўлимининг
1 курсига

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Гидромелиорация факультети: гидромелиорация, қишлоқ хўжалигида сув таъминоти ва сув манбаларини сақлаш.
Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультети: ерга механизациялаш йўли билан ишлов бериш, чорвачиликни механизациялаштириш, қишлоқ хўжалиги ихтисоси бўйича қишлоқ хўжалик фанларидан дарс берувчи ўқитувчи-инженерларни тайёрлайди;
Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш факультети: қишлоқ хўжалигида электр энергиясидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини электр энергияси билан таъминлаш.
Гидротехника қурилиши: дарё иншоотлари ва гидроэлектростанцияларда гидротехника қурилиши, сув хўжалиги экономикаси ва уни ташкил қилиш.
Гидромелиоратив ишларни механизациялаштириш.
Ер тузилиши.
Қишлоқ хўжалик машиналарининг технологик ремонти ва уни ташкил қилиш.
ИНСТИТУТНИНГ ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ
Гидромелиорация, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, ер тузилиши факультети.
Аризалар — 31 июлгача қабул қилинади.
Ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асли), характеристика, медицина справкаси (286-форма), бош кийимсиз тушилган 3х4 см. катталикдаги 4 та фотосурат. Паспорт, ҳарбий рўйхатдан ўтганлик тўғрисида гувоҳнома, ҳарбий билет шахсан кўрсатилади. Камида икки йиллик иш стажига эга бўлган шахслар корхона раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма тақдим этадилар.
Кириш имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача.
Қабул қилинганлар умумий асосларда стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.
Адрес: Тошкент шаҳар, Қоринёзий кўчаси, 39-уй, телефон: 33-99-98, 33-42-24. Қарши шаҳар, Ленин кўчаси, 54-уй. Телефон, 61-32.

БИЗ-ИНТЕРНАЦИОНАЛИСТЛАРМИЗ

ДЎСТЛИК МАСОФА БИЛМАС

Узбекистоннинг уруш ва меҳнат ветеранларидан катта бир группаси «Ғалаба» поездида қаҳрамон шаҳарлар бўйлаб зиёратдан қайтишди. Жанговар йўллар бўйлаб ўтказилган ана шу сафар вақтида Херсон шаҳрида қизиқ бир воқеа рўй берди.

Республикамиз колхоз тузуми ветеранлари, қишлоқ хўжалигининг илғор ходимлари, собиқ фронтчилар шаҳар марказидаги Озодлик майдонида доҳий В. И. Ленин ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Шу маросимдан кейин меҳмонлар Херсоннинг диққатга сазовор жойлари билан таниша бошладилар. Иттифоқо, Ушаков проспектида бир тўда ўзбек йигит-қизларига рўбарў келиб қолди. Улар аввалига бироз тааммублашишди, баъзилари салом бериб ўтиб ҳам кетишди. Аммо, шериклари кўкси жанговар орден ва медаллар билан тўла отахонлар, сочларига кумуш толалар оралаган онахонлар билан фарзандлик соғинчини босгандек қучоқлашиб кўриша бошлагач, улар ҳам изларига қайтишди. Ўз-ўзидан суҳбат бошланиб кетди. Тўғилиб ўсган диёрдан узоқда учрашиб қолган элатлар одатдаги ҳаяжонни босиб, бирбирларини саволга тута бошлашди: «Қаерликсизлар?», «Фалончини танийсизми?», «Сен пистончининг ўғли (ёки қизи) эмасмисан?».

Бўйи ўртадан бироз тик, қотма, серҳаракат йигит — Тўхтасин Ҳасанов Андижон область Ленин районидаги «Коммунизм» колхозидан экан. Тўхтасин рус тили ўқитувчиси бўлишдек эзгу ниятни амалга оширишда аввалига бироз тараддуланибди. Аммо, пенсионер ота-она унга далда бериб, оқ йўл тилаб қолишибди.

— Кўз тириклигимизда ўқиб ол. Сен тўнғичимисан. Бошқалар сендан ўрнак олишади. Шунга яраша ҳаракатингни қил. Бошимиз оқарганда сен туфайли фақат раҳмат эшитсак деган ўмиддамиз.

Ота-онанинг насиҳати, бунинг устига Пушкин номли 4-ўрта мактабни битиргач, шу ерда озроқ вақт рус тилидан дарс бериб тажриба орттиргани учунми, ҳар қалай Т. Ҳасанов институтда қийналмади. Тез кунда аълочи студентлар ҳурмат тахтасидан жой олди. Институтда Тўхтасин сингари ёшлар оз эмас. Илм масканн Перекоп кўчасидаги ямяшил дарахтзор орасида шундоққина кўринган бинога жойлашган. Ичкарига киришингиз билан ўқишда, спорт ва жамоат ишларида илғор йигит-қизларнинг суратларига кўзингиз тушади. Улар орасида Т. Ҳасановдан ташқари КПСС аъзоси А. Исмоилов, В. Аминов, М. Ашурова, А. Акбаров, Н. Мирзаматов ва бошқалар бор.

Юртдошларимиз қардош Украинада қандай ўқиётганларини билиш мақсадида институт раҳбарлари билан суҳбатлашдик.

— Бизда Узбекистондан 220 киши таълим олмоқда, — дейди Н. К. Крупская номли педагогика институти ректорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Виктор Фёдорович Байдак. — Битирувчи курс студентлари асосан Қорақалпоғистон билан Сурхондарёдан, қолганлар эса Андижон ва Фарғонадан келишган. Узбекистонликлар Николев, Житомир, Винница ва бошқа шаҳарлардаги пединститутларда ҳам ўқишмоқда. Бўлғуси ўқитувчиларни тарбиялашда ана шу илм даргоҳларидаги ҳамкасбларимиз билан қўлни қўлга бериб ишламоқдамиз. Юқорида номлари санаб ўтилган шаҳарлардаги педагогика институтларида ҳар курсда биттадан, бизда эса иккитадан ўзбек группаси мавжуд. Институтимизда таълим олган «оқ олтин»ўлкаси ёшлари эндиликда ўз юртларида ўқувчиларга улуғ Ленин тилини ўргатмоқдалар, айримлари мактаб директори, илмий бўлим мудири бўлиб ишламоқда. Бу йил ҳам республикангиздан 50 нафар студент қабул қиламиз. Қабул имтиҳонлари бевосита Андижон ва Фарғона педагогика институтларида ўтказилади.

Суҳбатимизга филология факультети декани Юрий Робертович Домбровский қўшилди.

— Бизнинг факультетда ўзбек бўлимининг учинчи курс талабалари машъал саналади. Улар на фақат факультетимизда, бутун институтда бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Республикангиз маориф органлари билан алоқамиз яхши. Андижон, Фарғона халқ маорифи органларининг вакиллари студентларимиздан хабар олиб туришади. Лекин, бу алоқалар янада мустаҳкамланиш зарур. Айрим истаклар ҳам йўқ эмас. Бизда русча-ўзбекча луғат, ўзбек мактабларида рус тили ўқитиш бўйича методик қўлланмалар кам. Салкам 10 йиллик фаолиятимиз даврида маълум методик тажриба тўпланди. Ана шулар яхлит ҳолда умумлаштирилиб, республикангиздаги мавжуд тажрибага мосланса ва қўлланма шаклида чоп этилса, бизнингча, фойдадан ҳоли бўлмасди.

...Шаҳар билан танишиб, кечқурун вокзалга қайтганимизда ўзбекистонлик ветеранларни кутлаш учун 40-50 нафар йигит-қиз рубоб ва тор, гулдасталар кўтариб келишди. Перронда катта давра олиниб, ўйин-кулги бошланди. Шу куни Херсон шаҳрининг вокзал атрофида анча пайтгача карнай-сурнай садолари эшитилиб турди...

Р. ҚОСИМОВ,
«Совет Узбекистони» махсус мухбири.

СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

КУРАШ АВЖИДА

Яна бир ойдан сўнг совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган Буюк Ғалабасининг 30 йиллигига бағишланган СССР халқлари VI ёзги спартаки адаси мусобақалари тугайди. Шу кунларда мамлакатимизнинг бир неча шаҳрида давом этаётган спартакиада турнирларида кураш авжида.

ВЕЛОСПОРТ. Вильнюс—Каунас йўлида юз километрга командалараро қувлашма пойга бўлди. Хизмат кўрсатган спорт мастери тошкентлик А. Юдин бош бўлган Узбекистон пойгачилари маррага қолиб — РСФСРнинг иккинчи терма командасидан атиги беш секунд кейин келишди. Улар масофани икки соату ўн минут 37 секундда ўтиб, спартакиаданинг бронза медалини қўлга киритдилар.

ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ. 26 ёшли бекободлик Владимир Мустафоев билан Л. Кошель (Ленинград) Москва каналида ўтказилган финал мусобақасида мамлакатимизнинг кучли спортчилари билан муносиб баҳслаша олдилар. Масофани олти минуту 38,8 секундда ўтган ҳар иккала спортчига спартакиаданинг бронза медали топширилди.

ОГИР АТЛЕТИКА. Иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарлари кучли штангачиларининг Вильнюсдаги турнирини ўта енгил вазнли полвонлар бошлаб беришди. Уларнинг баҳсида республикамиздан никн оғир атлетикачи иштирок этди. Улардан Борис Пак қўшкурашда 220 кг. (95+125) кўтариб, еттинчи ўринни эгиллаб олди. Шундай бўлсада Б. Пак билан Т. Ким биринчи турдаёқ Узбекистон спорт делегацияси жамғармасига ўн тўрт очко олиб беришди.

САМБО. Тбилиси мусобақасига жуда номдор спортчилар йиғилишди. 170 қатнашчидан 23 нафари жаҳон ва Европа чемпиони экани спартакиада олтин медаллари учун беллашувлар ниҳоятда кескин ўтишидан дарак берди. Беллашувларда жаҳон чемпиони С. Ходиев, Европа чемпионлари С. Қурбонов, М. Али ва бошқалар қатнашмоқда.

* * *

ФУТБОЛ. Яна бир турдан кейин олий лига командалари ўртасидаги мамлакат биринчилиги мусобақаларининг биринчи давраси тугайди. Ўтган куни ўн тўртинчи тур ўйинлари ўтказилди. Бу ўйинлар турнир жадвалига ортиқча ўзгариш киритмади. Пешқадам командалар навбатдаги ғалабага эришиб, ўз мавқеларини янада мустаҳкамлаб олдилар. Киев динамочилари «Зенит» футболчиларини 3:2 ҳисобида ютиб, жамғармадаги очкони 21 га етказдилар. СССР кубоги баҳсларида ярим финалга чиққан командалар чемпионат матчларини ҳам қунгилдагидек ўтказишди. Жумладан, Тбилиси динамочилари Донецк кончиларини (3:1), ереванликлар «Черноморец» футболчиларини (1:0), «Заря» эса пахтакорчиларни (2:1) ютди. Қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Локомотив» — «Динамо» (М) — 0:1; «Днепр» — «Торпедо» — 2:1; СКА (Ростов) — «Карпат» — 0:1.

Энди турнир жадвали билан танишинг:

	Т	О
1. «Динамо» (К)	27—13	21
2. «Арарат»	19—13	18
3. «Днепр»	21—17	16
4. «Заря»	18—15	16
5. «Динамо (Тб)	17—14	16
6. «Шахтёр»	25—18	15
7. «Динамо» (М)	12—10	15
8. «Карпат»	18—17	14
9. «Локомотив»	11—11	13
10. ЦСКА	12—13	13
11. «Пахтакор»	16—20	13
12. «Черноморец»	12—17	13
13. «Спартак»	7— 9	12
14. «Торпедо»	18—20	11
15. «Зенит»	13—25	10
16. СКА (Ростов)	11—25	6

ИЗОҲ. Жадвалда, «Спартак» — ЦСКА командалари ўртасидаги кечаги учрашув натижаси ҳисобга олинмаган.

ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТИ

НАМАНГАН

СУВ ИНШООТЛАРИ

Область хўжаликларида сув танқислигининг олдини олиш учун янгидан кўплаб сув иншоотлари қурилмоқда. Ўтган йили ўнлаб селхоналар бунёд қилинганди. Биргина Чортоқ сув омборида бултур 6 миллион куб метр об-ҳаёт йиғилиб, Янгиқўрғон районн хўжаликларига тарқатилди.

Шу кунларда Косонсой районида Қорасув, Чустда Кўктераксой сув омборлари қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Янгиқўрғондаги Эскиер сув омборида қурилиш ишлари кун сайин тезлашмоқда. Тўғон мудатидан олдин қуриб битказилди. Бу ерда ҳозир 4,5 миллион кубометр сув тўпланди. Бундан ташқари колхоз ва совхозларда ҳам хўжалик аҳамиятига эга бўлган сув иншоотлари қурилиши қизиб кетди. Кичик ҳажмдаги каналларга эса бетон ётқизилмоқда. Қора боғ, Шербулоқ сингари 17 та насос станцияси қурилаяпти.

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

Наманган қишлоқ хўжалик техникумида ўз атрофига 11 собиқ жангчини бирлаштирган совет тузилди.

Совет аъзолари ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, чақирилувчиларни армия хизматига ҳозирлаш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Техникумда турли қисмларнинг жангчилари билан ёзишмалар олиб борилаяпти. Граждан мудофаси, жанговар ҳамда меҳнат шуҳрати ҳоналари ташкил этилди. «Ватанпарвар» деворий газетаси мунтазам чиқарилаётир. Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари билан учрашувлар ўтказилмоқда.

МАВСУМГА МОСЛАБ

Наманган шаҳридаги Крупская номли тикувчилик фабрикасининг маҳсулотлари ҳаридорларга мансур бўлмоқда. Фабрикада йилнинг ҳар бир мавсумига хос талаблар эътиборга олинмоқда. Ёз фасли бошланиши билан бу ерда янги моделдаги кийимлар тикишга киришилди. Улар ичида айниқса эркаклар кўйлаги кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Ҳозиргача ёзги мавсум талаблари асосида тикилган ана шундай кўйлакдардан 80 минг сўмлиги савдо ташкилотларига етказиб берилди.

О. ЖУМАНАЗАРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 17.25 — ТОШКЕНТ. 17.30 — Қувноқ пионер ёзи. 17.50 — Кинопрограмма. 18.45—«Тенгдошлар». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ун тўққизлар комитети (2-серия). 20.40 — «Ахборот». 21.00 — Театр учрашувлари. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.25 — МОСКВА. Бадиий фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Топишмоқлар ва жавоблар. 19.30—Концерт. 20.05—«Инсон ва қонун». 20.35 — СССР Олий Совети депутатлари ҳикоя қиладилар. 20.45 — Етти энага (бадиий фильм). 22.00 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 — Оқ бўл. 00.10—Спорт кундалиги. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Телефильм. 20.35 — Кўча ҳаракати қоидаларини ўрганамиз. 21.35 — Тошкент янгиликлари. 21.50 — Марду майдон (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Эсавер, шамолі — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Туҳмат қурбони — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «ДРУЖБА» (17.00, 19.00, 20.00, 21.00).

Туҳмат қурбони; Тонг — «ҚОЗОҒИСТОН» (18.00, 21.00).

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти партия ва касаба союз ташкилотлари ўзбек адабиёти кафедрасининг доценти С. Иброхимовага опаси
Каромат
ҚОДИРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.
Р. 14028. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахона си. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583 Б — 158.